Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● 17 июнь 1969 йил, сешанба ● № 140 (14.303). ● Баҳоси 2 тийин.

ЛЕНИН ЛЕКТОРИЙСИДА

Ўзбекистон Компартия с'н Марказий Комитети ҳузурида ишлаётган Ленин лекторийсида навбатдаги лекция бўлиб ўтди.

«Ўзбекистоннинг социалистик мамлакатлар ҳамда тараққий этаётган мамлакатлар билан иқтисодий алоқалари — интернационализмнинг конкрет ифодасидир», деган темада республика Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари М. М. Мусахонов лекция ўқиди.

(ЎзТАГ).

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

АНДИЖОН ПИЛЛАСИ

АНДИЖОН («Совет Ўзбекистони» мухбири). Область пиллачилари катта ғалабани қўлга киритдилар. Давлатга 2509 тонна пилла топшириб, йиллик планни ортиғи билан бажардилар. Ҳосилнинг 83 процентн юқори сортларга қабул қилинди.

Область пиллачилари ўз имкониятларини қисоблаб чиқиб, яна 400 тонна пилла топшириш мажбуриятини олдилар.

ЧОРВАДОРЛАР ЗАФАРИ

САМАРҚАНД. Иштихон райони чорвадорлари давлатга пландаги 1439 тонна ўрнига 1449 тонна серқаймоқ сут сотдилар ва ярим йиллик планни бажардилар. «8 Март», Фрунзе номли колхозлар бу соҳадаги планни ошириб адо этдилар. Шуннингдек, район қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлатга гўшт сотиш тўққиз ойлик планни ошириб бажарганликлари ҳақида ғалаба рапорти бердилар.

ВЬЕТНАМ БИЛАН БИРДАМЛИК

«Коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро Кенгаши қардош Вьетнам халқига оташин жанговар саломини йўллайди ва АҚШ агрессиясига қарши курашда эришган тарихий муваффақиятлари билан уни чин кўнгилдан табриклайди». Москвадаги жаҳон коммунистик анжуманн қатнашчилари яқдиллик билан қабул қилган «Вьетнамга мустақиллик, озодлик ва тинчлик!» деган даъватида қаҳрамон Вьетнам халқига шу сўзлар билан мурожаат қилдилар.

Бу ҳужжат ер курраснинг ҳамма қитъаларида кенг муҳокама қилинмоқда. Миллион-миллион одамлар уни халқаро коммунистик ва ишчилар харакатининг нурашаётган Вьетнам халқи билан жанговар бирдамлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлида қўйилган янги муҳим қадам, деб коммунистларнинг, барча антиимпериалистик кучларнинг ўз сафлари жипслигини мустаҳкамлашга, умумий душман бўлган империализмга қарши курашдаги ҳаракат бирлигига қаратилган иродасинг ифодаси, деб билмоқдалар.

АҚШнинг Вьетнамдаги жирканч уруши империализмнинг тажовузкорлигини бутун дунё олдида яққол кўрсатди. Америка қўшинлари Вьетнамга босқинчи, озодликни бўғувчи қўшин бўлиб келдилар. АҚШнинг империалистик кучлари қуролли интервенцияни бошлаб Осиёдаги социалистик қалъалардан бирини емириб ташлашга, Хинди — Хитой халқларининг тинчлиққа, эркинликка ва тараққиётга бораётган йўлини тўсиб қўйишга, бутун миллий озодлик ҳаракатига зарба беришга ҳамда социалистик мамлакатлар билан барча антиимпериалистик кучлар бирдамлигининг мустаҳкамлигини синаб кўришга уриндилар. Бу авантюристик планлар муқаррар барбод бўлади.

Америка империализмининг интервенциясига қарши узоқ вақтдан бери олиб борилаётган қаттиқ курашда Вьетнам халқи енгилмас бардамлик, оммавий қаҳрамонлик ва ўз ғалабасига зўр ишонч соҳиби эканлигини кўрсатмоқда. Бутун прогрессив инсоният унинг мардлигига қойил қолмоқда. Социализм мамлакатларининг халқлари планетамиздаги тинчликсевар кучлар Вьетнам халқига хайрихоҳ бўлиб мадад бериб турибдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро Кенгашида сўзлаган нутқида уқтириб айтдики, «Вьетнам халқининг интервенционистларга қарши қаҳрамонона кураши СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар қатъият билан бериб турган самарали ҳарбий ва иқтисодий ёрдам билан, агрессия қурбонларига бирдамлик ҳаракати билан, жаҳоннинг ҳамма мамлакатларида авж олиб кетган халқ ҳаракати билан бир бутун бўлиб қўшилиб кетди. Бу нарсаларнинг ҳаммаси шунга олиб келадики, агрессорлар ўз мақсадларига етишга муваффақ бўла олмайдилар, улар бошлаб берган уруш эса ўзларининг шаранда бўлганликларини кўрсатувчи намойишга айланади».

Америка агрессорлари қуруқлиқда жуда катта армияни ишга солганликларига, жуда кўп самолётлар ва немаларни жангга ташлаганликларига, энг катта капиталистик давлатнинг бутун бенизом зўр ҳарбий машинасидан фойдаланиб турганликларига қарамай, Вьетнам Демократик Республикасининг территориясини бомбардимон қилишни ҳеч бир шарт кўймай тўхтатишга Парижидаги тўрт томонлама музокараларда қатнашишга розн бўлдилар. Жанубий Вьетнам территориясининг катта чўлчилик қисми халқ қўмитларининг қўл остида турибди, шармандаси чиққан Сайгон режими эса Америка қуролининг кучи билан ўзини сақлаб турибди.

Вьетнамнинг мисоли Совет Иттифоқининг ва бошқа социалистик давлатларнинг мададиг суяниб, ҳақиқий иш учун изчиллик билан курашаётган халқ кучларини енгиш мумкин эмаслигини яққол кўрсатувчи далилдир. Америка агрессорларига берилаётган зарба шуни очиқ исботламоқдаки, агар турли мамлакатларнинг коммунистлари бир йўла харанат қилиб кенг халқ оммасини актив курашга сафарбар этсалар, империализмнинг агрессив ҳужумлари барбод бўлиши муқаррардир.

Яқинда Жанубий Вьетнам Республикаси тузилганлиги тантанали равишда эълон қилинди. Жанубий Вьетнам Республикасининг муваққат революцион ҳукумати тузилди. Бу эса Вьетнам халқининг америка агрессорларига, Сайгондаги қўғирчоқ режимга қарши олиб бораётган озодлик курашидаги янги босқични бошлаб берди. Муваққат революцион ҳукумат Жанубий Вьетнам халқининг ҳақиқий ваниладир. Бу ҳукумат ўзининг ҳаракат программасида Жанубий Вьетнамдаги 14 миллион аҳолининг асосий мақсади — мустақиллик, демократия, тинчлик ва бетарафликни амалга оширишга интилмай ҳаракат қилажагини кўрсатиб ўтди.

Ўзининг интернационал бурчига содиқ бўлган Совет Иттифоқи миллий эзилган озод бўлиш учун сиёсий ва иқтисодий мустақиллик учун курашаётган халқлар томонида ҳамиша туриб келди ва ҳозир ҳам шу халқлар томонида турибди. Империалистик агрессияни даф этишда СССР қанчалик зўр ҳарбий ва иқтисодий ёрдам ҳамда маънавий сиёсий мадад бераётганлигини Вьетнам ватанпарварлари яхши биладилар. Жанубий Вьетнам халқининг қўғирчоқ Сайгон режимига ва унинг империалистик ҳомийларига қарши олиб бораётган курашини изчиллик билан қўллаб-қувватламоқда. Ташқи сиёсатнинг ленинча принципиаллигига амал қилиб келаётган ва Жанубий Вьетнам халқининг қаҳрамонона курашига чуқур ҳайрихоҳлик қилаётган Совет ҳукумати Жанубий Вьетнам Республикасининг муваққат революцион ҳукуматини таниди.

Совет Иттифоқи Вьетнам масаласини сиёсий бартараф қилишнинг асосли ва одилона программасини қўллаб-қувватламоқда. Бу программа Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронтининг Париждаги музокараларида 1969 йил 8 майда таклиф қилинган «10 модда»сида баён қилиб берилди. Бу программа Вьетнамга донр Женева битимларининг Асосий қоидаларидан ва мамлакатдаги ҳозирги вазиятдан келиб чиқди. Вьетнам проблемасини ҳал этиш учун қилинган бу таклиф Вьетнам халқининг манфаатларига, бутун дунёдаги тинчлик манфаатларига тўла равишда мос бўлиб тушади. Вьетнамдаги аҳволни сиёсий бартараф қилмоқ учун Қўшма Штатлар Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг ва Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматининг АҚШнинг ва агрессиясга қатнашаётган бошқа ҳамма қўшинларни Вьетнамдан ҳеч сўзсиз олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги одилона талабларини бажариши лозим.

Американинг милитарист доиралари Вьетнам масаласини уруш йўли билан ҳал этиш учун бўлган урнинишдан ҳамон воз кечмаганликлари ҳали ҳам кўриниб турибди. Американинг Вьетнамдаги интервенцияси бутун дунёдаги тинчликка хавф солиб турибди, тинчлик, миллий мустақиллик, демократия ва социал тараққиёт учун курашаётган ҳамма халқларга тўғридан-тўғри дағдага қилмоқда.

Москвада ўзининг халқаро анжуманига тўпланган коммунистлар шуни айтмоқдаларки, коммунистик ва ишчилар ҳаракати Вьетнам халқига, унинг адолатли иши узил-кесил ғалаба қозонгунча зарур бўлган қардошларча ёрдамнинг ҳаммасини бундан буён ҳам бирдамлик руҳида бериб туришни давом эттиради.

Вьетнам халқининг ҳақиқий иши ғалаба қилади.

(«ПРАВДА»нинг 16 июндаги бош мақоласи).

КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАРНИНГ ХАЛҚАРО КЕНГАШИДА

14 июнь куни Москвада коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро Кенгаши ўз ишини давом эттирди.

Финляндия Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ўртоқ В. Песси раислигида ўтган эрталабки мажлисда Кенгаш Индонезия коммунистларига Мурожаатнома қабул қилди.

Кенгаш кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш жараёнида мажлисда: Никарагуа Социалистик партияси делегациясининг бошлиғи ўртоқ Р. Сантос, Сурия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Х. Бағдош, Реюньон Коммунистик партиясининг Бош секретари ўртоқ П. Вержес, Эрон халқ партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Р. Радманеш, Доминикана Коммунистик партияси делегациясининг бошлиғи ўртоқ М. Санчес сўзга чиқдилар.

Кечқурунги мажлисда Бразилия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. К. Престес раислик қилди. Мажлисда: яширин шароитда ишловчи қардош партиялардан бирининг делегация бошлиғи, Гондурас Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ М. Моралес, Гайана Халқ прогрессив партиясининг раҳбари ўртоқ Ч. Жаган, Туркия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Я. Демир нутқ сўзладилар.

Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Ю. Цеделбал бошчилигидаги Монголия Халқ революцион партиясининг делегацияси Дубна шаҳридаги ядро тадқиқотлари бирлашган институтида. Пастдаги суратда эса коммунистик ва ишчи партияларнинг Кенгаш қатнашчиларидан бир группаси Москва яқинидаги «Ленинский луч» колхозининг парник хўжалиги билан танишмоқдалар.

В. Викторов ва А. Хрупов фотолари. («ПРАВДА»дан).

13 июнь куни кечқурунги мажлисда сўзга чиққан **Мексика Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ А Мартинес Вердуго** ишончи билдириб айтдики, Кенгаш империализмга қарши, мустақиллик, тинчлик ва социализм учун курашда муҳим қадам бўлади, ҳамда маълум даражада бутун дунё коммунистларининг ҳаракат бирлигини мустаҳкамлашга ва ҳозирги замон воқелиги ўртага қўйган жуда кўп масалаларни бундан буён муҳокама қилмоқ учун энг яхши шарт-шароит яратиб беришга кўмаклашади.

Кенгаш унинг ишида қатнашаётган ёки қатнашмаётган партиялардан биронтасининг ҳам сиёсатини қоралашга интилмаслиги лозим, деди у.

Нотиқ партиялар ўртасидаги муносабатлар тўғрисида гапириб, халқаро коммунистик ҳаракат ишида демократик централизм принципи амал қилмайди ва шу сабабли бунда гап қўпчилик овоз билан қарор қабул қилиш тартиби тўғрисида эмас, балки бирликни мустаҳкамлашга олиб бориш усулларини қидириб топиш тўғрисида бораётир.

Империализм қарши ҳужумга ўтганлиги ва айрим участкаларда қисман муваффақиятга эришганлиги, деди у сўнгра, халқаро тараққиётнинг прогрессив йўналишини ўзгартира олмади. Империализмга қарши, жамиятни социалистик тарзда ўзгартириш учун курашаётган кучлар ҳозир дунёнинг тараққиёт йўлини белгилаб бермоқда. Иқтисодий, дипломатик бойкот ҳам, ҳар қандай фисқу-фужурлар ва қўпорувчилик ишлари ҳам қаҳрамон Куба халқини тиз чўктира олмади. Вьетнам халқи жаҳон жандармн ролини ўз зиммасига олган давлат армиясининг ҳужумини қаҳрамонона даф қилмоқда. Халқнинг қаҳрамонлиги, қуролли қўзғолон билан оммаснинг сиёсий ташкилотини бир-бирига тўғри қўшиб олиб бориш, Совет Иттифоқининг ва социалистик мамлакатларнинг бирдамлиги — Америка интервенцияси мағлубиятга учраётганлигини изоҳловчи омиллардир.

Ҳозирги босқичнинг энг муҳим белгиларидан бири шуки, деб давом қилди нотиқ, бир қанча мамлакатларда революция амалий проблема бўлиб қолмоқда. Ҳукмрон синфларнинг сиёсати таянликка учрай бошлади, халқ оммасининг норозилиги эса суронли ва баъзан кутилмаган шаклда ифодаланмоқда. Ҳаракатларимизнинг оғирлик маркази шу сабабдан буржуазия ҳокимиятининг ўрнини босадиган реал тадбирни ишлаб чиқиш ҳамда социализмга олиб келиш мумкин бўлган янги ҳокимият учун курашда барча оқимларни бирлаштириш соҳасига қўшилмоқда.

Латин Америкаси халқларининг баъзан қуролли кураш шаклида олиб бораётган улкан жанглари революцион шароитнинг тез етиб бораётганлигини кўрсатиб турибди.

Ўртоқ А. Мартинес Вердуго шуни ҳам қайд қилиб ўтдики, аҳолининг яни табақалари курашга тортилиши натижасида революцион ҳаракат бойиб боради. Ёшлар, айниқса, студентлар капитализма одатдан ташқари зўр куч билан қарши чиқмоқдалар. Бир қанча мамлакатларда католиклар оммаси ва хатто армия доиралари империализмга қарши актив норозилик йўлига ўтмоқдалар, буни Перуда ва Доминикана Республикасида яқинда бўлиб ўтган воқеалар кўрсатди. Янги табақаларнинг курашга қўшилиши натижасида революцион ҳаракат ишида хато қарашлар ва методлар пайдо бўлиб қолади, биз коммунистлар буларга қарши курашмоғимиз лозим. Бироқ янги кучларга баҳо берганда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган нарса бу эмас, чунки булар революцион оқимнинг объектив равишда кучайтирилиши, революцион кучнинг, яъни ишчилар синфининг иттифоқчиларн бўлиб қолаверадилар. Айни вақтда, деб давом қилди нотиқ, буғунчи унсурларнинг байроғи бўлиб қолган антисоветизм ва антикоммунизмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш олиб бориш зарур.

Ўртоқ А. Мартинес Вердуго ҳаракатимиз ичида жиддий проблемалар мавжудлигини қайд қилиб ўтди. Унинг фикрича, бу проблемалар ревизионистик ёки миллатчилик характеридаги чекинишлар натижасида вужудга келган эмас. Бу проблемалар диққат билан ўрганилиши лозим бўлган омиллар уюмининг таъсири натижасида пайдо бўляпти, десак тўғрироқ бўлади. Жумладан, нотиқ империализмга қарши ва социалистик қурилиш учун кураш олиб борилаётган янги шароитга коммунистик ҳаракатни мослаштириш проблемаларини, аҳолининг янги табақаларини революцион ҳаракатга тортишни, коммунистик партияларнинг етакчи миллий кучга айлантиришни ва шу кабиларни кўрсатиб ўтди. Бироқ, деб таъкидлади, нотиқ, келишмовчиликлар бошқа-ю оранинг бузилиши бошқа. Келишмовчиликлар сафнинг бузилишига айланаётганида коммунистик ва ишчи партиялар ўзларининг муносабатларида амал қилишлари лозим бўлган нормаларнинг бузилиши анчагина роль ўйнайди. Шу нормаларга риоя қилиш коммунистик ҳаракат бирлигинг қайта, тиклашнинг зарур шартларидан бири.

Ўртоқ А. Мартинес Вердуго Мексикадаги аҳволга тўхталиб, студентлар ва бутун халқ ҳаракатининг ролини алоҳида уқтириб ўтиб, бу ҳаракат кейинги ойлар ичида мамлакатни ларзага келтирганлигини айтиш билан бирга бу ҳаракатда Мексика коммунистик партияси қандай қатнашаётганлигини ҳикоя қилиб берди.

Пировардида у Кенгаш делегатларига мурожаат қилиб, уларни Мексикадаги репрессия қурбонлари билан ўзларининг бирдам эканликларини намойиш қилишга чакирди.

Греция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ К. Колиянис Кенгашнинг Асосий ҳужжати лойиҳасида ва бошқа ҳужжатларида айтиб ўтилган қоидаларга ўзининг рози эканлигини билдирди ва Греция Коммунистик партияси Марказий Комитети ҳужжатларни имзолаш учун делегацияни вакил қилиб юборганлигини маълум қилди.

Грек халқининг, мамлакатдаги прогрессив кучларнинг олдинги сафида коммунистлар бормоқда. Халқимиз ва прогрессив кучлар, деди нотиқ, халқ манфаатига зид бўлган ва қурол кучи билан ўрнатилган режимдан мамлакатни озод қилиш учун қатнашиб, машаққатли кураш олиб бормоқдалар ва бу курашда қўпгина қурбонлар бермоқдалар. Грециядаги ҳарбий-фашистлар тўнтаришни Америка империализми жандармлик ролини ўйнаётганлигини очиқ кўрсатди. Сиёсий кучларнинг нисбати реакцияни даф қилиш учун гарчи имкон бериб турган бўлса ҳам аммо коммунистик партия ва бошқа демократик кучлар афсуски, бундай зарбани бера олмадилар. Бунинг сабаби шуки, буржуа демократик партияларнинг раҳбарлари айниқса ўша вақтда ҳокимият тепасида турган марказ Иттифоқининг раҳбарлари антикоммунизм идеологиясига амал қилиб, сўллар билан ҳамкорлик қилишдан бош тортдилар.

Фашистлар хунтаси минглаб ватанпарварларни ва ўз-ўзидан маълумки, биринчи галда коммунистик партиянинг аъзоларини ва активларини ўлдираверди, қамоқ ва зиндонларга ташлаб азоблайверди. Чунки коммунистлар истибдодга қарши энг изчил курашчилардир. Мана шу қийнаб ўлдирилганлар орасида Греция Коммунистик партияси Марказий Комитетинг аъзолари ҳам кўп. Май ойининг ўзидагина хунтанинг ҳарбий трибунали ўнлаб антифашист курашчиларни, шулар орасида партия Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси ўртоқ Григорис Фаракосни узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилди.

Ўртоқ К. Колиянис айтдики, хунтанинг халқ орасида таянчи йўқ. Унга нисбатан қаршилик хатто армия орасида ҳам ўсиб бормоқда. Шунинг учун ҳам 2 мингдан кўпроқ офицерни хунта армиядан хайдаб юборди. Диктатурага, империализмга қарши ялпи миллий фронт вужудга келтириш учун мамлакатда объектив негиз пайдо бўлмоқда.

Греция Коммунистик партияси ўзининг кучини шу вазифани ҳал этишга қаратмоқда. Партия қийин шароитда кураш олиб бориб омма орасида катта обрў қозонмоқда. Ҳозирги вақтда партияга қарши очиқдан-очиқ қўпорувчилик ишларини олиб бораётган оппортунистик бузғунчилар группасини партия аъзолари ва активлари қоралади, шу кураш давомида бу группа тобора кўпроқ яккаланиб қолмоқда.

Нотиқ партиянинг идеологик ва ташкилий бирлиги учун партиянинг марксча-ленинча принциплари софлиги учун ўнг ва «сўл» оппортунизмга қарши олиб борилаётган курашнинг аҳамиятини уқтириб ўтди. Социализм мамлакатларини ва аввало Совет Иттифоқини қўллаб-қувватлашни партиямиз ўзининг энг биринчи интернационал бурчи, деб ҳисоблайди чунки бу мамлакатларнинг тарихи, қудрати, берган қурбонлари ва изчил революцион интернационализми озодлик ва мустақиллик учун кураш олиб бораётган коммунистлар ва бутун дунё халқларининг таянчи ва умидидир.

Пировардида ўртоқ К. Колиянис айтдики, Мао Цзэ-дун группаси миллатчилик, антисоветизм ва буюк давлатчилик шовинизми позициясига ўтиб олиб, пролетар интернационализми принциплари билан алоқани бутунлай узиб ташлади. Бу группа халқаро коммунистик ҳаракат бирлигига путур етказмоқда, Совет Иттифоқига қарши игвогарликлар қилиб, инсониятнинг энг ёвуз душмани бўлган Америка империализмига объектив равишда ёрдамлашмоқда. Америка империализмини агрессив ҳаракатларни давом эттиришга ва кенгайтиришга рағбатлантирмоқда. Маонинг сиёсати империализмга қарши фронтни заифлаштирмоқда. Вьетнам халқининг ва бошқа барча халқларнинг қаҳрамонона кураш олиб боришини қийинлаштирмоқда, хитой халқига зарар етказмоқда.

Никарагуа социалистик партияси делегациясининг бошлиғи ўртоқ Р. Сантос 14 июндаги эрталабки мажлисда сўзга чиқиб, партия Марказий Комитети Кенгашда муҳокама қилиначётган Ҳужжатларни яқдиллик билан маъқуллагаилигини айтди.

Партия Марказий Комитетининг фикрича, деди нотиқ, коммунистик ҳаракат ишида кимни бузғунчилик ҳаракатларини қилаётган бўлса, бу ҳаракатларнинг ҳаммасини фош қилиб ташлаш ва қоралаш зарурлиги тўғрисида; коммунистик ва ишчи партиялар нинг КПССга ва Совет Иттифоқига муносабати тўғрисида: антисовет кампанияга қарши курашиш шу партияларнинг бурчи эканлиги ҳақида, социализмни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида; «сўл» оғмачиликни қоралаш ҳам, ўнг оғмачиликни қоралаш ҳам мутлақо шарт эканлиги тўғрисида принципиал қоидаларни Асосий ҳужжат лойиҳасига киритиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Хитой Коммунистик партиясининг ҳозирги раҳбарлари авантюристик позицияларда турибди. Уларнинг мана шу позициясини коммунистик ҳаракат

(Охири иккинчи бетда).

ИЛҒОРЛАРГА ЮКСАК МУКОФОТЛАР

В. И. Ленин туғилган кунинг юз йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятлар қандай бажариляпти!

Фэрғона область қишлоқ хўжалик ходимларининг Ҳамза номли совхозда бўлиб ўтган кенгаши мана шу масалага бағишланган эди. Охунбоев район партия комитетининг биринчи секретари Ғ. Назиров ва Ўзбекистон район партия комитетининг биринчи секретари А. Пайғамов, Ленинград районидаги Энгельс номли колхоз раиси М. Деҳқонов, Охунбоев районидаги «Оқ олтин» колхозининг раиси А. Эгамбердиев ва бошқа ўртоқлар кенгашда сўзга чиқиб, далалар ва фермаларнинг меҳнаткашлари пахта, ем-хашак, дон экинларидан мўл ҳосил етиштириш ҳамда чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш учун қандай курашаётганликлари тўғрисида гапирдилар.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Ўртоқ Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлари Советининг қизил байроғини доимий сақлаш учун Ўзбекистон районига топширди. СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва ВЦСПСнинг кўчма қизил байроғи Кува районидаги «Коммунизм» колхозига ҳамда «Бешариқ» совхозига тақдим этилди. Олтариқ районидаги «Ленинобод» колхозига республика қишлоқ хўжалиги министрлиги билан Ўзбекистон касаба союзлари Советининг Кўчма қизил байроғи топширилди.

Илғор хўжаликларга бу юксак мукофотлар 1968 йилда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда эришган муваффақиятлари учун берилди.

Кенгаш иштирокчилари Коммунистик ва ишчи партияларнинг Москвада бўлаётган халқаро кенгашига табрикнома юбордилар. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министрининг биринчи ўринбосари Мадраим **Вафоев** ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети сув хўжалиги ва сув хўжалик қурилиши бўлимининг мудири Мирзааҳмад Аҳмадалиевич **Қорабоев** хизмат вазифасини бажариш вақтида фожиали ҳалок бўлганликларини чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАРНИНГ ХАЛҚАРО КЕНГАШИДА

(Боши биринчи бетда).

принципиал равишда танқид қилишга мутлақо ҳақли, деди нотиқ. Ўзининг кундалик амалий фаолияти билан коммунистик ҳаракатга хиёнат қилаётганларни токайгача бу ҳаракатнинг аъзолари деб ҳисоблаб бўлади?—деб савол берди нотиқ.

Сўнгра нотиқ Никарагуа халқи ва унинг илғор партияси бош бўлган Никарагуа социалистик партияси ҳозирги вақтда олиб бораётган кураш тарихини айтиб, бу кураш қандай қийин шароитда олиб борилаётганлигини ҳикоя қилиб берди. Ҳеч бир демократик ва революцион сиёсий фаолият йўқки, унда Никарагуа коммунистлари актив қатнашмаган бўлсинлар, деди нотиқ.

У ўнг оппортунизмга ва ўта сўл оғмачиликка қарши партия ичида олиб борилаётган курашни қисқача гапириб берди ва партия Марказий Комитетининг В. И. Ленинга бағишлаб, 1967 йил 23 апрелда ўтказган пленуми ўнг оппортунизмга зарба берганлигини, ўта сўлчилик қарашларини қоралаганлигини ва партиянинг марксча-ленинча революцион фаолиятини ривожлантиришга негиз солганлигини айтди.

Никарагуа коммунистларининг вакили империализмга ва Сомоса диктатурасига қарши халқ томонидан олиб борилаётган ватанпарварлик кураши тўғрисида гапириб, мамлакатдаги революцион ҳаракат дуч келаётган қийинчиликларни, ҳозирги вақтда мамлакатда курашнинг бутун оғирлигини ўз зиммасига олиб унга оз-ғинагина бардош бера оладиган сиёсий куч ҳануз йўқ эканлигини айтиб ўтди. Бизнинг партиямиз, деди у, миллатнинг барча антидиктаторлик, антиолигархиячилик ва антиимпериалистик кучларининг ҳаракатида бирлик бўлишига эришиш йўлини изчиллик билан ўтказиб келмоқда. Бу кураш империализмнинг босқичи ғаламлари билан бевосита тўқнашиб қолиш мумкинлиги эҳтимолдан холи эмас. Коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бирлиги ва жипслиги Никарагуа коммунистлари учун нақадар зарур эканлигини ва улар буни кўз қорачиғидек сақлашлари лозим эканлигини билиш учун мана шунинг ўзи етарли равишда кифоя қилади, деди нотиқ.

У Ленин туғилган кунининг 100 йиллик байрами ҳақидашиб келаётганлиги ва Ленин васият қилиб қолдирган таълимотга амал қилиб, ўз мамлакатларимиз ва бутун дунё халқлари олдида зиммамизга олган тарихий мажбуриятларни бажараб устозимиз ва йўлбошчимиз В. И. Ленин хотирасини ҳурматлашнинг ва унинг идеялари абадийлигини таъкидлашнинг энг яхши услуби эканлигини уқтириб ўтда. Халқаро марксча-ленинча ҳаракатнинг бирлиги ва жипслиги йўлида пайдо бўлган қийинчиликларнинг ҳаммасини биз фақат шу тариқа бартараф қила оламиз.

Никарагуа коммунистлари делегациясининг бошлиғи нутқини қуйидаги сўзлар билан тамомлади: Жаҳондаги халқларнинг ҳаммаси Москвага, жумладан ушбу залга, бу ерда қўйилган проблемаларга диққат билан қараб турибди. Жаҳон халқлари ўзларининг энг яхши фарзандлари ҳамма халқларнинг алғи душмани бўлган империализмга қарши курашнинг самарали йўлларини белгилаб бера олишига ишонадилар.

Сурия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Х. Бағдаш айтдики, Сурияда коммунистларгина эмас, шу билан бирга прогрессив кайфиятдаги одамларнинг ҳаммаси ҳам халқаро коммунистик ҳаракат сафларининг жипслиги қайта тикланади, деб умид қилмоқдалар.

«Сўл» ва ўнг оппортунизмга қарши қонгий-сиёсий кураш олиб бориш билангина бирликка эришиш мумкин, деб таъкидлади нотиқ. Пролетар интернационализми миллатлар ва халқларнинг тенглигини эътироф қилишнигина тақозо қилибгина қолмасдан шу билан бирга, Ленин ҳамиша уқтириб ўтганидек, зарур бўлиб қолганда бир мамлакатдаги кураш манфаатларини империализмга қарши, социализм учун ялпи, жаҳоншумул кураш манфаатларига бўйсундира билишни ҳам тақозо қилади. Пролетар интернационализми ҳар бир мамлакатдаги социализм ғалабаларини биргаликда ҳимоя қилишни талаб этади. Шундай қилиш барча социалистик мамлакатларнинг ва бутун коммунистик ҳаракатнинг интернационал бурчи. Коммунистик партиялар ўртасидаги муносабатлар шу асосда қурилади ки, шу партияларнинг ҳар қайсиси ички ва халқаро сиёсатни ўзи мустақил равишда белгилайди ва айни вақтда бутун халқаро ишчилар ҳаракати олдида баб-баравар жавобгардир.

Сўнгра Ўртоқ Х. Бағдаш айтдики, Мао Цзэ-дун группасининг бузғунчилик фаолиятида миллий эгоизм жуда жиддий шаклда намоён бўлмоқда. Аксинча бутун дунёдаги революцион ҳаракатга жуда хилма-хил ёрдам бериб турган Совет Иттифоқининг сиёсатида юксак интернационал руҳ ёрқин намоён бўлмоқда. Империалистик сионистик агрессияга қарши курашда арабларнинг ўз мамлакатларида мустақилликни ва прогрессив режимни қаттиқ туриб ҳимоя қилишларига ёрдамлашаётган совет мадади нақадар зўр эканлигини араблар ўз тажрибаларидан билиб турибдилар.

Нотиқ, Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқининг аҳамияти катталигини қайд қилиб ўтди. Бу нутқ, деди нотиқ қатъий марксча-ленинча сиёсат ўтказиб келаётган ва пролетар интернационализми принципларига ниҳоят даражада содиқ бўлиб турган буюк Совет Иттифоқи таъсири ҳам зўр ва қудратли бўлиб қолишига коммунистларда ишончни мустаҳкамлади. Араб мамлакатларидаги кенг прогрессив миллий доиралар Совет Иттифоқи билан дўст бўлишни ватанпарварликнинг энг яхши белгиси, деб ҳисоблайдилар, бу дўстликка зарар етказаётган нарсаларнинг ҳаммасини қораламоқдалар. Сурия Коммунистик партияси Совет Иттифоқи билан ва Ленин партияси билан дўстликка содиқ бўлиб қолишни коммунист деган ном олишга ҳақли бўлишнинг асосий мезонларидан бири, деб ҳисоблайди.

Ўртоқ Х. Бағдаш Сурия ҳозирги вазиятга ва Исроилнинг араб халқларига қарши империалистик агрессияси тўғрисидаги масалага тўхталиб айтдики, сионизм-халқаро ҳаракатга эга бўлган реакцион ирқчилик ҳаракатидир, у жаҳон империализмининг иттифоқчиси бўлиб, социализмга ва миллий озодлик ҳаракатига душмандир. Сионизм яҳудий меҳнаткашларини ўзлари яшаб турган мамлакатлардаги ишчилар ҳаракати ва революцион ҳаракатдан ажратиб қўяди.

Нотиқ араб озодлик ҳаракатига зарба беришга ва Нил дарёсидан Фрот дарёсига қадар бўлган ерларда «Буюк Исроил» давлатини тузмоқ учун Исроил территориясини кенгайтиришга интилиш — Исроил ҳукмронлари ўтказаётган сионистик, империалистик сиёсатнинг моҳияти эканлигини исботлаб берди.

Сўнгра нотиқ айтдики, араб халқлари сионистларга таслим бўлмадилар ва ҳеч қачон таслим бўлмайдилар. Улар агрессия оқибатларини тугатишга ўз дўстлари билан биргаликда ҳаракат қилмоқдалар. Бу нарса ҳозир Сурия олдида асосий вазифа бўлиб турибди, шу сабабли Сурия Коммунистик партияси араб дунёсидаги бошқа прогрессив кучлар билан ҳамдўст бўлиб, бу вазифани сиёсий методлар билан ҳал этишга, яъни Хавфсизлик Кенгашининг 1967 йил 22 ноябрдаги резолюциясини бажариш йўли билан ҳал этишга ҳаракат қилмоқда. Сурия Коммунистик партияси агар сиёсий методлар натижа бермаса, Сурия ва бошқа араб мамлакатлари агрессорни чиқиб кетишга мажбур қиларлик қобилиятга эга бўлишлари учун мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга ҳам кўмаклашади.

Шу муносабат билан партия Бирлашган Араб Республикаси ва бошқа араб мамлакатлари билан биргаликда ҳаракат қилиш масаласига ҳамда уларнинг Совет Иттифоқи билан ва бошқа социалистик мамлакатлар билан ҳамкорлигини доимо мустаҳкамлашга катта аҳамият бермоқда.

Сурия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари айтдики, ҳозирги даврнинг ҳусусияти Вьетнам мисолида кўриниб турибди. Жанубий Вьетнам халқининг миллий озодлик фронти раҳбарлигида олиб бораётган қаҳрамонона кураши, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар ҳар томонлама бериб турган ёрдам, халқаро бирдамлик — мана шулар Америка империализми устидан кескин ғалаба қозониш омилларидир.

Реюньон Коммунистик партиясининг Бош секретари Ўртоқ П. Бержес Реюньон Компартияси бутун дунёдаги келгуси 75 партия барча антиимпериалистик кучлар ҳаракат бирлигига эришмоқ учун бир жойга йиғилганликларини ғоят муҳим факт деб ҳисоблайди, деди.

Ўртоқ П. Бержес сўнгги 15 ой мобайнида Асосий ҳужжатни муҳокама қилиш чоғида олиб борилган ишни ва фикрлашиб олишни ниҳоятда ижобий иш бўлди, деб ҳисоблайди Кенгаш, деди у, бизнинг ҳаракатимизда бирликка интилиш ўсиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Сўнгра нотиқ Франция империализмининг сўнгги мустамлакаларидан бири Реюньон оролидаги ҳозирги аҳволни баён қилиб берди. Мустамлакачилик натижасида оролда қашшоқлик ҳукм сурмоқда. Ишчилар синфининг тўртдан бири ишсиз, майда ва ўрта деҳқонлар ҳонавайрон бўлмоқда. Мустамлакачилик режими ҳал қилиб бўлмас иқтисодий ва социал зиддиятлар вужудга келтирмоқда.

Коммунистик партия мана шу мураккаб вазиятда вужудга келди ва ўсди. Бугунги кунда у халқ оммасининг курашига раҳбарлик қилмоқда. У Реюньон халқининг ажралмас ҳуқуқи — ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи учун курашмоқда. Компартия равшан иқтисодий ва социал программани ҳимоя қилмоқдаки, у янги мустамлакачилик ва империализм найрангларини мушкуллаштирмоқда. Бизнинг халқимиз, дейди Ўртоқ П. Бержес, ўз миллий озодлигини коммунистик партия раҳбарлигидаги социал озодлик учун кураш билан тобора уйғунлаштириб бормоқда.

Реюньон Компартиясининг Бош секретари социализм билан империализм кучлари ўртасидаги асосий зиддиятлар ривожланиб бораётганлиги билан характерланаётган ҳозирги вазиятда социализм кучлари устун келяпти, деган хулосага қўшилганлигини билдиради. Америка империализми янада агрессиврок бўлиб қолганлигига қарамай, шу хулоса тўғридир. Давримизнинг уч буюк кучи — жаҳон социалистик системаси, халқаро ишчилар синфи ва миллий озодлик ҳаракати империализмга қарши кураш учун бирлашмоқда.

Ўртоқ П. Бержес коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг 1960 йилги Кенгаши баёноти даги қоидани эслатиб ўтади. Унда ҳозирги вақтда фақат Совет Иттифоқидагина эмас, шу билан бирга бошқа социалистик мамлакатларда ҳам капитализмни қайта тиклаш имконияти тугатилганлиги таъкидлаб ўтилганди. Суруқасига тўққиз йиллик муваффақиятлардан сўнг душманнинг кўпдан-кўп сиёсий ва идеологик найрангларга социалистик мамлакатни иккилантира олишини тасаввур этиш мумкинми, деган савол беради у, бунга йўл қўйиш социалистик давлат қудратига етарлича баҳо бермаслиқни ва омма ишончини бўшаштиришни билдирган бўлар эди

Вьетнам Демократик Республикаси халқи империализм ҳужумига дучор бўлган ёш социалистик режим мустаҳкам эканлигини исбот қилди. Реюньон халқи, деди нотиқ, социалистик мамлакатларнинг эришган муваффақиятларига, шунингдек капиталистик мамлакатлардаги ишчилар ва демократик ҳаракат муваффақиятларига ўзининг эришган ғалабалари, деб қарайди. У ёшлар, жумладан, бутун дунё студентлари социализм сари интилмоқдалар, уларнинг қаҳрамонлари — Нгуен Ван Чой ва Че Геварадир, деб таъкидлайди.

Ўртоқ П. Бержес Европада иккита системанинг ҳарбий, иқтисодий, социал ва сиёсий кучларини тўплаш процесси бормоқда, деб гаъкидлайди. Бугунги кунда, деб уқтириб ўтади у, капиталистик Европадаги сиёсий кучлар нисбатининг ҳар қандай ҳал қилувчи ўзгаришга жиддий қийинчиликларга дуч келмоқда. бинобарин мазкур мамлакатларда кураш олиб бораётган ўртоқларимизнинг фаолияти алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Сўнгра у Кенгашнинг Асосий ҳужжатини шарҳлаб ўз фикрига кўра, ҳужжатда дунёнинг миллий озодлик ҳаракати авж олаётган районларида тез ва кўпинча ҳал қилувчи ўзгаришлар бўлиш имкониятларига етарлича баҳо берилмаган, деди.

У ёш мустақил давлатлар, шунингдек, ҳамон мустамлака зулми остида бўлган мамлакатлар ривожланишининг асосий якунларини қисқача баён қилиб, сўнгги тўққиз йил мобайнида мазкур мамлакатларда аҳолининг жадал кўпайиб бораётганлиги системанинг зиддиятини кучайтираётганлигини, ҳамда шошилинч ва радикал сиёсий қарорлар қабул қилиш зарурлиги масаласини кучайтиради, деб таъкидлади.

Нотиқ мазкур районда танглик ҳодисалари ривожланаётганлиги жаҳоннинг кўпчилик аҳолиси капиталистик тараққиёт йўлида ўзининг иқтисодий, социал ва маданий қолоқлигини енгиб ўтолмаслигини кўрсатаётганлигини айтади. Фақат тез суръатлар билан ривожланиб борадиган социализмгина бу халқларга ўз олдиларида турган проблемаларни ҳал қилишга имкон беради. Башартки бундан илгари жаҳоннинг шу районларида миллатчилик капитализм билан мустаҳкам боғланган бўлса, бугунги кундаги озодлик ҳаракати социализм билан чамбарчас боғланган-дир. Ўртоқ П. Бержеснинг фикрига кўра, бугунги кунда Африка, Осиё, шунингдек Латин Америкаси империалистик системанинг энг заиф бўғинидир. Айни мана шу районларда, деб таъкидлайди у, халқлар кураши кучлар нисбатини ўзгартириши ва империализм занжирининг бирон-бир бўғинини узиб юбориши мумкин. Социалистик мамлакатларнинг эришган ғалабалари ва ривожланган капитал мамлакатлардаги ишчилар ҳаракатининг кураши шу халқлар курашига катта ёрдам кўрсатмоқда.

Сўнгра у собиқ мустамлака дунёси халқлари учун Вьетнам халқининг кураши жуда катта аҳамиятга эга эканлигини уқтиради Ҳатто унча катта бўлмаган халқ ҳам жаҳоннинг энг қудратли империализмига қаршилик кўрсатиш ва унга жиддий маглубиятлар етказиши мумкинлигини Вьетнам исбот қилди. Шу билан бирга Вьетнам намунаси ғалабага эришмоқ учун муайян шарт-шароитлар зарур эканлигини ҳам кўрсатди. Бу шароитлар, биринчидан ўз кучларига суяниш ва ўз мустақиллиги учун ҳамда ўзининг асосий миллий ҳуқуқларига риоя қилиниши учун аёвсиз кураш олиб боришдан, иккинчидан СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар мададига суяниш зарурлигидан, учинчидан Халқаро бирдамлик ҳаракати мададига суяниш зарурлигидан иборатдир.

Аммо буларнинг ҳаммасини амалга оширмоқ учун курашаётган халққа миллий воқелик билан чамбарчас боғланган ва шу воқеликни ифодаловчи Коммунистик партия, халқ оммаси орасига чуқур илдиз отган партия, айни маҳалда чуқур ватанпарвар ва чуқур интернационал партия бошчилик қилмоғи зарурдир. Вьетнам жангларининг энг қимматли сабоғи ҳам мана шу бўлса керак. Коммунистик партия ўз халқи курашининг авангарди ва илҳомчиси эканлигини таъкидлашнигина кифоя қилмайди. Унинг амалдаги фаолияти миллий ва социал озодлик кураши билан амалда қўшилиб кетадиган авангард бўлмоғи лозим. Қаҳрамонлар миллий қаҳрамонлар бўлган партиянигина чинакам Коммунистик партия деса бўлади.

Ўртоқ П. Бержес Асосий ҳужжатга доир бошқа мулоҳазаларини ҳам айтади. Унинг фикрига кўра, ҳужжатда социалистик мамлакатлар ўртасидаги, шунингдек, Коммунистик партиялар ўртасидаги зиддиятлар етарлича акс эттирилмаган. Миллатчилик руҳидаги айғоқчилар сабаблари қандай ўрганилиши керак бўлса, бу зиддиятлар ҳам шундай жиддий ўрганилиши керак, Коммунистик партиялар ўртасидаги муносабатлар одилона принципларгагина эмас, шу билан бирга ўзаро ҳурматга ҳам асосланмоғи зарур. Коммунистик ҳаракат бирлиги Коммунистик интернационал тарқатиб юборилганидан сўнг вужудга келган нормаларга асосланмоғи лозим.

Бугунги кундаги энг муҳим иш интернационализмни ривожлантириш йўлидан боришдан иборатдир, деб таъкидлайди нотиқ. Пролетар интернационализми, дейди у, ўз мамлакатида революцион ҳаракатни ривожлантириш учун фидокорона кураш олиб бормоқ ва айни маҳалда дунёнинг ҳамма мамлакатларида революцион ҳаракатдан актив мадад ва моддий жиҳатдан актив мадад беришдан иборатдир. Интернационализм антисоветизмга қарши қатъий кураш олиб бормоқни назарда тутади.

Реюньон Компартияси Марказий Комитети деди П. Бержес, Кенгашнинг Вьетнамни қўллабқувватлаш, тинчлик учун кураш ва В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигига доир учта ҳужжат лойиҳасини маъқуллади. Кенгаш туғалгандан сўнг партия унда бўлган мунозараларни ҳисобга олиб Асосий ҳужжат тўғрисида ҳам ўз қарорини қабул қилади.

Эрон Халқ партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Ўртоқ Р. Радманеш ўз нутқида айтдики, Коммунистик ва ишчи партиялар халқаро Кенгашининг тайёргарлик комиссияси тақдим қилган бошқа материаллар сингари Асосий ҳужжат ҳам яқдиллик ва зиддиятсиз, демократик нормаларга ва коллективчилик принципларига тўла риоя қилган ҳолда тайёрланди. Эрон Халқ партияси бу ҳужжатларни тўла-тўкис маъқуллайди.

Биз, деди Ўртоқ Р. Радманеш, КПСС делегациясининг бошлиғи Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқини тингладик. Бу нутқда ҳозирги халқаро вазият ҳамда Коммунистик ва ишчилар ҳаракатидаги аҳвол ҳар томонлама, чуқур ва мутлақо тўғри анализ қилиб берилди.

Асосий ҳужжат лойиҳаси империализмга ва реакцияга қарши, тинчлик, мустақиллик, демократия, тараққиёт ва социализм учун курашнинг ҳозирги шароитида ҳаракатимизнинг асосий талабларига жавоб бўлиб тушди.

Коммунистик ва ишчилар ҳаракати жуда зўр сафарбар қилувчи ва бирлаштирувчи кучга эга бўлган мана шу ҳужжатларни қабул қилиш билан ўз курашининг янги босқичига қадам қўяди.

Сўнгра Ўртоқ Р. Радманеш Эрондаги ҳозирги аҳволни батафсил анализ қилиб берди.

Эрон Халқ партияси делегациясининг бошлиғи халқаро ишчилар ҳаракати масалаларига тўхталиб айтдики, кейинги йилларда Мао Цзэ-дун группаси майда буржуа авантюризми ва буюк давлатчилик шовинизмининг сўлчилик гапларини ниқобланган алоҳида йўлини танлаб олди. Хитойнинг Мао бошчилигидаги ҳозирги раҳбарлиги социалистик ҳамдўстлик бирлиги ва бирдамлигига путур етказиш йўлига, жаҳон коммунистик ҳаракатига нифоқ солиш, жаҳон революцион синфининг асосий кучларини бузиш йўлига ошкора тушиб олди.

Хитойдаги Мао группасининг йўли аста-секин шундай авантюристик ва шовинистик оқимга айландики, бу оқим революцион назария ва практиканинг элементар принципларига ва нормаларига сира тўғри келмайди.

Хитойнинг Совет чегараларида қилган агрессиясидан кейин ва Хитой Коммунистик партиясининг IX деб номланган съездидан кейин проблема бир партия ёки бир мамлакатнинг ички масаласи доирасидан чиқиб кетди. Мана шу мудҳиш ҳодиса олдида индамай туриш ёки пассивлик қилиш асло мумкин эмас.

Бу кенгаш, деди шеровардида Ўртоқ Р. Радманеш, Вьетнамда, Ўрта Шарқда, заводлар ва фабрикаларда, Европа ва Америка пойтахтларининг кўчаларида жуда қийин шароитда курашаётган, империализмга ва реакцияга қарши, эксплуатация ва мустамлака қуллигидан ҳали бўлган ҳаёт учун махфий йўллар билан ва турмаларда курашаётган юз миллионлаб одамларнинг умидини рўёбга чиқаришига ишонамиз.

Доминикана Коммунистик партияси делегациясининг бошлиғи Ўртоқ М. Санчес ўз нутқининг бошида бундан ўн йил аввал, 1959 йил 14 июнда Санто-Доминогода Труфильо режимига қарши қуролли кураш бошлаб халок бўлган курашчилар ҳотирасини ҳурматлаб тилга олди. Нотиқ бу кураш венесуэлаликлар, кубаликлар, аргентиналиклар, американликлар ва бошқа мамлакатлар граждан-лари қатнашганлигини айтиб, Америкада халқлар озодлиги ва социализм учун халқаро кураш учун Че Гевараннинг ибратли ишини алоҳида уқтириб ўтди.

Нотиқ Хитой Халқ Республикаси СССР чегарасидаги ерларни даъво қилаётганлигини қоралади. У Вьетнамга берилаётган халқаро ёрдам жаҳон революцион ва коммунистик ҳаракати отрядлари ўртасидаги фарқга қарамай жаҳондаги барча антиимпериалистик кучлар бирлигининг олий кўринишли эканлигини қайд қилиб ўтди. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг Вьетнам курашига қўшаётган ҳиссасини, деди нотиқ, антиимпериалистик бирдамликнинг бир кўринишидир, деб юксак даражада қадрлайман.

Ўртоқ М. Санчес кейинги йилларда пайдо бўлган янги проблемаларни ўрганиш зарурлигини кўрсатиб ўтди ва революциянинг йўллари тўғрисида муҳокама қилинаётган ҳужжатда берилган таърифларга, аввало, революциянинг тинч йўли тўғрисидаги таърифга қарши чиқди.

Ривожланган капиталистик мамлакатларда техникавий мутахассислар ва илмий ходимлар ёппасига пролетарлашаётганлиги, ишчилар синфининг билим даражаси ошиб бораётганлиги, деди нотиқ, СССР ўзининг ҳар томонлама тараққий этганлиги билан инсониятнинг келажаги ишчилар синфининг қўлида эканлигини бошқача воситалар орқали исботлаб берганлигини кўрсатиб турибди.

Ўртоқ М. Санчес айтдики, муҳокама қилинаётган ҳужжат Будапештдаги маслаҳат учрашувида белгилаб берилган кун тартиби доирасидан четга чиқиб кетди ва ҳатто идеология масалаларини ҳам ўз ичига олибди, вақоланки, бу масалалар устида келишилган таърифлар қабул қилинган эди. Шу масалаларнинг баъзилари кўпчилик овоз билан қабул қилинган эди.

Нотиқ, тинчликни сақлаш бутун дунё коммунистлари қурашининг асосий вазифасидир ҳамда империализм емиби ташламагунча ёппасига ва батамом қуроссизланиш учун курашнинг муайян истиқболи бор деган тезисни рад қилди. Нотиқ, Асосий ҳужжатдаги бутун ички бўлимнинг мазмунини тинчлик учун кураш тарафдорлари маъқуллашлари мумкин, деган хулоса чиқарди, лекин менинг фикримча, бу бўлимнинг мазмуни халқаро коммунистик ҳаракатнинг программаси эмас, деди.

Менинг партиям, деди нотиқ, ғоявий-назарий проблемаларни кўтариб чиқкани ҳолда ҳеч бир янги ҳодисаларга баҳо бермаган ҳужжатни имзоламайди. Бу ҳужжат, деди нотиқ, менинг партиямга маъқул бўлмаётган баъзи принципиал қоидаларга асосланган ва менинг партиям кенг кўпчилик олдида қўллаб-қувватлаётган тезисларга зиддир. Ҳужжат социалистик лагердаги муносабатларнинг реаллигини очиб бермайди ва бу лагердаги ривожланиш кризислар-сиз содир бўлаётир, деб даъво қилади. Менинг партиям, деди нотиқ, бир қанча партиялар ўтказиб келаётган ва бутун ҳаракат бирлигида албатта маъқуллаши шарт бўлмаган миллий тактика ва сиёсатни юксак даражада қадрлайди.

Нотиқ, жаҳон миқёсида социализм қуриш учун курашда империализмга қарши биргаликда ҳаракат қилиш манфаатларини кўзлаб антиимпериалистик курашнинг кенгашда белгилаб берилган барча конкрет вазифаларини қатъият билан бажаришга, идеологик келишмовчиликлардан ва бирликни қидириш методларидаги келишмовчиликлардан қатъи назар ҳамма партиялар билан муносабатларни давом эттиришга ўзининг тайёр эканлигини билдирди.

Гондурас Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари М. Моралес ўз нутқининг бош қисмида Доминикана Компартияси делегатининг фикрига қўшилмаганлигини айтди. Унинг фикрича, Доминикана Компартияси делегатининг нуқтаи назари Кенгашнинг мақсадларига тўғри келмайди ва Доминикана коммунистларининг ҳамда бутун Доминикана халқининг манфаатларига жавоб бермайди. Ўртоқ М. Моралес Кенгаш тарихий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга воқеадир, бу Кенгаш тарихда халқларнинг империализмга қарши, социализм учун курашида жуда муҳим воқеа бўлиб қолади, деб таъкидлади.

У Гондурас Компартияси Марказий Комитети Асосий ҳужжатда жаҳондаги кучлар нисбати тўғрисидаги таҳлилга юксак баҳо берди, деди Нотик бу ҳужжатнинг империализмга қарши курашаётган кучлар орасида социалистик лагерни ва, аввало, Совет Иттифоқини биринчи ўринга қўйганлиги каби факт муҳим эканлигини алоҳида таъкидлади. Социалистик лагерь билан, Совет Иттифоқи билан бирдамлик, деди у, давримиздаги революцион кучлар учун принципиал масаладир.

Пролетар интернационализми принципларига садоқат, деб сўзини давом эттирди нотиқ, социалистик лагерга ва унинг асосий таянчи бўлмиш Ленин мамлакатига таъна қилишга зиддир. Мао Цзэ-дун группаси худди шундай йўл тутмоқда. Мао Цзэ-дун группасининг позицияси марксизм-ленинизмга тамомила ётдир. Бу группа Коммунистик партияни барбод этди, илмий социализм принципларини поймол қилди ва СССР билан муносабатларида очиқдан-очиқ агрессия йўлига ўтди. Бу группага нисбатан муросачилик позициясида бўлишга асло йўл қўйиш мумкин эмас. Дин концепцияларга каби маочилар концепцияларини ҳам қатъиян фош қилиб ташлашни хитой халқининг ўз манфаатлари ҳам талаб этяпти.

Ўртоқ М. Моралес яна айтдики, бу ҳужжатнинг империализмга қарши курашни ҳамда барча ва ҳар қандай оғмачиликларни ва ғоявий парокандаликни бартараф қилиш билан боғлаганлиги партиямиз учун муҳимдир. Коммунистлар марксизм-ленинизмнинг умумий принципларинқ практикага мувофиқ суратда ҳар бир мамлакатнинг конкрет шароитларига мослаб ижодий татбиқ этиш учун жавобгардирлар.

Гондурас Коммунистик партияси, деди у, ҳужжатнинг Латин Америкасидаги революцион курашга тааллуқли тезисларини ҳам маъқуллайди. Нотиқ Куба революцияси ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини уқтириб ўтди. Куба революцияси Латин Америкасидаги пролетариатнинг, деҳқонлар, студентлар, зиёлиларнинг ва аҳоли барча табақаларининг курашида бурилиш нуқтаси бўлди. Социализм қурила борган сари ва ҳозирги вақтда Куба революцияси империалистик агрессорга қарши курашда дуч келаётган асосий проблемалар ҳал этила борган сари Куба революциясининг ўзгартирувчилик фаолияти таъсири ҳам ўса боради. Совет Иттифоқи билан бирдамлик ҳозирги кунда революцион Кубада олиб борилаётган бунёдкорлик ишларининг ишончли ва муҳим таянчидир.

Гондурас Компартиясининг делегацияси, деди сўзининг охирида М. Моралес, Кенгашнинг барча ҳужжатларини баланд руҳ билан имзолайди, делегация бу Кенгашнинг Гондурас ҳарбий ҳукуматининг антидемократик сиёсатига қарши, халқ тузумини ўрнатиш учун курашни авж олдириб юборишда катта роль ўйнашига аминдир.

Гайана Халқ прогрессив партиясининг раҳбари Ўртоқ Ч. Жаган ўз партияси Кенгашда қатнашиш учун таклиф этилганлиги тўғайли миннатдорчилик изҳор қилди. Биз, деди Ўртоқ Ч. Жаган, худди шундай оилага мансуб эканлигимизни назариятгина эмас, балки практика ҳам кўрсатиб берди. Консерватив, либерал ва социал-демократик раҳбарлар эмас, балки халқаро коммунистик ҳаракатнинг капиталистик мамлакатлардаги демократик ва прогрессив кучлар билан ҳамда миллий озодлик ҳаракати билан иттифоқ бўлиб, Гайана ва бошқа мамлакатлар меҳнаткашларининг империалистик эксплуатация ҳамда жабр-зулмдан озод бўлишларига ёрдам бера олади.

Сўнгра нотиқ Гайанадаги вазиятни характерлаб берди, империалистлар ҳамда уларнинг гумаштали қалбакичилик ва сохталик ёрдамида Халқ прогрессив партиясининг таъсирини заифлаштиришга қаҳ тариқа уринаётганликларини кўрсатди. Кўпгирчоқ режим қуролли куч-дан фойдаланиш йўлига ўтаётганлиги унинг заифлигини кўрсатувчи белги эканлиги фактдир. Гайана ишчилар синфининг онги ва бирлиги ўсиб бормоқда.

Ўртоқ Ч. Жаган ўз партияси Кенгашга таклим қилинган Асосий ҳужжат лойиҳасини ва бошқа ҳужжатларни қўллаб-қувватлашини айтди. Ҳозирги кунда, деди у, халқаро коммунистик ҳаракатга аниқ идеологик йўл ҳар қачонгидан кўра кўпроқ керак.

Биз, деди Гайана Халқ прогрессив партияси делегациясининг раҳбари, бу Кенгашда қатнашаётган партиялар ҳам борлигидан афсусланамиз. Хитой раҳбарлари бу ерга келмасликни афзал кўришди. Улар ҳақоратли гапларни айтиб, Совет Иттифоқи билан чегарадош жойда қуролли тўқнашувларни уюштирмоқдалар. Совет Иттифоқи бошқа социалистик мамлакатлар билан биргаликда империализмга қарши курашнинг асосий таянчидир. Биз. Хитой Компартияси раҳбарларининг ҳаммамизга нисбатан қилаётган муносабатини кечира олмаймиз. Улар партиямизга ҳужум қилаётган кучларни қўллаб-қувватламоқдалар ва шундай қилиб, бизнинг душманимизга — империалистларга ва уларнинг кўгирчоқларига ёрдам ва мадад бермоқдалар.

Биз, деди Ўртоқ Ч. Жаган, «сўл» догматизм ва сектантликка қарши чиқиш билан бирга: ўнг оппортунизмга нисбатан ҳам ҳушёр бўлмогимиз керак. Ҳозирги вақтда халқаро миқёсда ўнг оппортунизм хавфи бор.

Баъзи делегациялар социалистик мамлакатлар қўшинларининг Чехословакияга киритилиши ҳақидаги масалани кўтарган эдилар. Нотиқ шу масалага тўхталиб, қўшинларнинг Чехословакияга киритилиши суверенитетни бузиш, демократик тараққиёт ҳуқуқини инкор этиш, деган даъвони рад этди. Бундай даъвоир аравани отнинг олдига қўйишга уринишдан бошқа бир нарса эмас. Биз, деб сўзини давом эттирди Ўртоқ Ч. Жаган, ҳақиқатни ўз ҳолича кўришимиз ва ҳом хаёлларга берилмаслигимиз керак. Империализм ўзининг агрессив ниятларидан воз кечган эмас. У ўз мақсадларини эмас. балки методларини ўзгартирди. У макрлироқ бўлиб қолди.

Ўртоқ Ч. Жаган Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Ўртоқ Г. Гусакнинг нутқида суверенитетнинг синфий мазмуни тўғрисида, социалистик мамлакатларнинг ҳуқуқи, мажбурияти ва бурчлари ўзаро чамбарчас боғланганлиги ҳақида айтилган қоидани қўллаб-қувватлади.

Нотиқ АҚШ империализми Латин Америкасидаги революцион ҳаракатга қарши қай тариқа фитналар уюштираётганлигини, Куба ерига бостириб кириш қандай тайёрланганлигини конкрет мисоллар билан кўрсатиб берди. Империалистлар, деб таъкидлади у, Куба халқининг қаҳрамонлиги туфайлигина Кубада муваффақият қозона олмадилар. Социалистик Кубани ҳимоя қилиш бизнинг ҳам ишимиздир. Социалистик Куба курашимизнинг олдинги сафларида бормоқда.

Ўртоқ Ч. Жаган ўз нутқида Вьетнам халқининг қаҳрамонона курашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида гапирди. Вьетнам бутун дунёга шуни намойиш қилдики, ғоят кенг қўламдаги кураш учун жипслашган ва марксизм-ленинизм руҳи билан суғорилган партия раҳбарлик қилаётган халқ енгилмас кучдир.

Ўртоқ Ч. Жаган ўз нутқининг охирида коммунистик ва ишчилар ҳаракатини жипслаштиришга чақирди. Биз, деди у, бирлик фронтини тузиб, империализмга қарши кураш олиб боришимиз керак.

Туркия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Ўртоқ Я. Демир КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқи Кенгашда жуда катта қизиқиш туғдиргалигини айтди. Бу нутқда халқаро аҳвол марксча-ленинча таҳлил этилди, антиимпериалистик кучларнинг бирлигини мустаҳкамлаш йўллари ёритиб берилди. Биз. деди нотиқ, ана шу нутқда баён қилинган фикрларни тамомила ва бутунича қўллаб-қувватлаймиз.

Ҳозирги Туркия, деди Ўртоқ Я. Демир, империалистик сиёсатнинг ҳам қурбони, ҳам қуроли бўлган мамлакатлар жумласидандир. Туркиянинг агрессив империалистик давлатлар билан, хусусан АҚШ билан йигирмә йиллан ортиқ вақтдан буён маҳкам ҳамкорлик қилиб келаётганлиги ва Туркиянинг НАТОда қатнашаётганлиги мамлакатнинг бутун иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётини тамомила ўзгартириб юборди, бир ҳовуч капиталист ва помешчикларни мустасно қилганда, турк халқининг барча синфлари ва қатламларига салбий таъсир кўрсатди.

Қуролланиш ва урушга тайёрланиш сиёсати Туркияни қашшоқлантириб қўйди. Бу аҳволнинг асосий оғирлиги меҳнаткашлар оммаси зиммасига, хусусан ишчилар синфи зиммасига юкланди. Халқ 1960 йилда ҳукумат тўнтариши натижасида баъзи демократик ҳуқуқлар

КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАР ХАЛҚАРО КЕНГАШИНИНГ ИНДОНЕЗИЯ КОММУНИСТЛАРИГА МУРОЖААТИ

Биз, коммунистик ва ишчи партиялар халқаро Кенгашининг қатнашчилари миллион-миллион коммунистлар, номидан индонезиялик ўртоқларимизга қардошларча революцион салом йўллаймиз!

Индонезиянинг реакцион кучлари жаҳон реакцияси билан иттифоқликда антикоммунизмни ўз сиёсатининг асоси деб эълон қилиб, коммунистик партия раҳбарларидан қаттиқ ўч олдилар, неча юз минглаб коммунистлар ва бошқа ватанпарварларни қириб юбордилар, уларнинг оилаларини репрессия ва таъқиб қилдилар. Индонезияда қонли ўч олишлар тўрт йилдан бери тўхтамаяпти. Неча минглаб ватанпарварлар қамоқ ва жазо лагерларига ташланди, мамлакатнинг ҳалокатли районларига сургун қилинди. Индонезиянинг ҳозирги ҳукмдорлари илмий социализм ғояларини қонундан ташқари, деб эълон қилдилар, халқнинг демократик ғалабаларининг қадрига етган ҳамма кишиларни Индонезиянинг сиёсий ҳаётидан чиқариб ташлашга интилмоқдалар. Индонезиядаги ҳарбий диктаторлик режимининг жиноятлари, унинг миллатга қарши сиёсатини бутун прогрессив инсоният қаҳр-ғазаб билан қораламоқда.

Полиция террорларига қарамай, Индонезияда коммунистик ҳаракат яшамоқда. Кўпгина индонезиялик коммунистлар ғоят оғир яшиқрин шароитларда Индонезия Коммунистик партиясини тиклаш учун, меҳнаткашларнинг манфаатлари учун кураш олиб бормоқдалар, мамлакатнинг миллий мустақиллигини империализм тажовузларидан мардонавор ҳимоя қилмоқдалар. Империализм Индонезия ҳукмрон доираларининг халққа ва миллатга қарши сиёсатидан фойдаланмоқда.

Халқаро Кенгаш қонли террор қурбонлари бўлган Индонезия коммунистларининг хотирасини ҳурмат билан эслайди, курашни давом эттираётган кишилар билан интернационал бирдам эканлигини изҳор қилади. Кенгаш қардош партиянинг келажагига, бу партия ҳозирги даврнинг қийинчиликларини енгиб ўта олишига ишонади. Биз марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми принципларига қаттиқ суянган Индонезия коммунистлари Индонезиядаги бошқа прогрессив демократик кучлар билан иттифоқликда ўз халқини чинакам миллий мустақиллик, тараққиёт, социализм порлоқ идеалларининг ғалабаси сари бошлаб боришга ишонамиз.

ЖАНГОВАР БИРЛИК УЧУН

ТОШКЕНТЛИКЛАРНИНГ САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАРИ

Ўзбекистон трактор йиғув заводи коллективи Коммунистик ва ишчи партиялар халқаро Кенгашининг қатнашчилари ишига муваффақиятлар тилади.

Биз, Ўзбекистон трактор йиғувчилари — коммунистлар ва партиясизлар, дейлади Кенгаш номига юборилган табрик телеграммасида, жонажон партиямизнинг сиёсатини бутунлай маъқуллаймиз ва КПСС делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев нутқи фақатгина 14 миллион совет коммунистларининггина эмас, шу билан бирга мамлакатимиздаги барча халқларнинг ўй-фикр ва ҳис-туйғуларини ифода қилади, деймиз. Биз В. И. Ленин туғилган кунинг юз йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган мусобақада ўз зиммаларимиздаги мажбуриятларни шараф билан ado этмоқ учун зўр ғайрат билан меҳнат қиламиз, деб ишонтирамиз.

Республика пойтахтининг заводлари ва фабрикаларида сиёсий ахборотчилар ва агитаторлар Кенгаш материаллари юзасидан суҳбатлар ўтказмоқдалар. Тошкент авиация заводида ўтказилган шундай суҳбатлардан сўнг слесарь Маҳмуд Боймуродов бундай деди:

—Барча совет меҳнаткашлари каби биз, ишчилар ҳам Кенгаш ишининг муваффақиятли ўтишидан ниҳоятда манфаатдормиз. Биз бу катта халқаро учрашув қатнашчиларига энг яхши истакларимизни йўллаймиз. (ЎзТАГ).

ШАРҒУН КОНЧИЛАРИНИНГ ТАБРИГИ

Биз Шарғун кўмир конининг кончилари Коммунистик ва ишчи партиялар халқаро Кенгашининг ишини зўр диққат-эътибор билан кузатиб турибмиз. Инсониятнинг ёрқин келажаги учун курашувчилар аҳ-валамбор В. И. Ленининг ишларини ўзига берган йўлидан комил ишонч билан оғишмай бориб, халқаро Коммунистик ва ишчилар ҳаракатини бирлаштиришга, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга ўз кучини сарфлаётган жонажон Коммунистик партиямизнинг фаолияти билан ғоят фахрланамиз.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Кенгашдаги ўз нутқида мамлакатимиз қўлга киритган иқтисодий ютуқларнинг бутун дунёдаги революцион ва озодлик ҳаракати учун, империалистларнинг агрессия ва уруш сиёсатига қарши, бутун дунёда тинчлик учун кураш ишидаги аҳамиятини таъкидлаб ўтган эди.

Шунинг учун ҳам биз, бутун совет кишилари каби ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришни ўзимизнинг энг муҳим вазифамиз, деб биламиз. Биз беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қиламиз.

Ҳайдар ТУРСУНОВ,
Шарғун кўмир конининг портлатувчилар бригадири.

ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Коммунистик ва ишчи партиялар халқаро Кенгаши колхозчиларимизнинг диққат марказида турибди. Дала ва фермаларнинг меҳнатчилари халқаро Кенгашнинг бирлик ва жипслик вазиятида қабул қилинган дастлабки ҳужжатларини қизғин маъқуллаб кутиб олдилар.

Биз Кенгашда КПСС делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлаган нутқини зўр мароқ билан ўрганиб чиқмоқдамиз. Зўр сиёсий активлик ва меҳнат шавқи-завқини қўзғаган бу тарихий ҳужжатнинг муҳим қоидаларини тушунтириб бермоқ учун колхоз партия комитети бригадалар ва фермаларга 200 дан ошиқ агитатор, сиёсий ахборотчи, лектор ва сиёсий ташкилотчиларни юборди.

Пахтакорлар, ғаллакорлар, чорвадорлар Москва Кенгашининг ишини фидокорона меҳнат билан нишонлашга интилмоқдалар. Лалми ерларда ўрим-йиғим бошланиб кетди. «Дашт кемаларининг бункерларидан дастлабки тонна ғалла тўкилди. Пахта далаларида ҳам иш қизғин. Биз пахта тайёрлаш беш йиллик планимизни тўрт йилда бажариб, В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақага улкан ҳисса қўшамиз.

Ф. САЙФУЛЛАЕВ,
Қашқадарё область Ғузор районидаги Карл Маркс номли колхоз партия комитетининг секретари.

ЯКДИЛЛИК БИЛАН

ЧЕГАРАЛАРИМИЗ МУҚАДДАС

«Башарти, ХХР ҳукумати Совет-Хитой чегарасидаги вазиятни нормаллаштиришга тайёр бўлса, бунинг учун йўл очиқ».

СССР ҳукуматининг Баёнотида айтилган ушбу ҳаққоний ва конструктив фикр давлатимиз олиб бораётган ташқи сиёсатининг нақадар ғўғри ва адолатли эканлигини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди. Биз Баёнотда илгари сурилган ҳамма таклиф ва фикрларни бир овоздан қўллаб-қувватлаймиз.

Можароли масалаларни ўзаро келишув ва маслаҳат асосида ҳал этиш тарафдори эканлигимизни қайд қила туриб, шу билан бирга, чегараларимизнинг дахлсизлигини, уни бузадиган ҳар қандай босқинчи эса совет халқининг қудратли қаҳр-ғазабига учрашини таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Х. УСМОНОВ,
Узбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси.

АҚЛ-ИДРОК ДАЪВАТИ

СССР ҳукуматининг Хитой Халқ Республикаси ҳукумати номига йўллаган Баёноти икки мамлакат Ўртасидаги вазиятни нормаллаштиришга хизмат этадиган катта обрўли ҳужжатдир. Хитой маъмурларининг чегара ҳақидаги даъволари мутлақо асоссиз эканлигига ишончимиз комил. Совет ҳукумати Хитой маъмурларининг чегарани бузиб киришига вазминлик ва ақл-идрок нуқтаи назаридан муносабатда бўлаётганлиги сиёсатимизнинг нақадар халқпарвар ва тинчликпарвар эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

С. ИМОМНАЗАРОВ,
Жиззах район колхозлараро қурилиш бошқармаси комплекс бинокорлар бригадасининг бошлиғи.

ТИНЧЛИК ТАРАФДОРИМИЗ

Биз, ташсельмашчилар СССР ҳукуматининг Хитой Халқ Республикаси ҳукуматига юборган баёнотини қўллаб-қувватлаймиз. Совет Иттифоқи билан Хитой Халқ Республикаси Ўртасидаги вазият ҳозир фақат Хитой томонининг ҳаракатлари туфайлигина кескинлашди. Совет ҳукумати, дўстлик, бирлашиш ва ҳамкорлик қилишдан иборат ленинча интернационал сиёсатни илгари суради.

Биз Совет ҳукуматининг ҳар иккала мамлакат Ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш учун олиб бораётган курашини маъқуллаймиз. Биз доим тинчлик тарафдоримиз.

П. ЮСУПОВ,
«Ташсельмаш» заводи партия комитетининг секретари.

БИЗНИНГ ОРЗУ

Халқимизнинг «Қўшнинг тинч, сен тинч», «Ховли олма, қўшни ол» деган ажойиб нақллари бор. Биз совет кишилари хитой халқи билан яхши қўшничилик муносабатида бўлишни истаймиз. Бироқ, хитой маъмурлари яхши қўшни бўлишнинг том маъносига тушуниб етмаётирлар. Совет ҳукуматининг Хитой ҳукуматига йўллаган Баёнотида икки мамлакат Ўртасидаги вазиятни нормаллаштириш сиёсати илгари сурилади. Колхозимиз аъзолари ҳам СССР ҳукумати Баёнотини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқиб, Совет давлатининг доно сиёсатини қизғин маъқулламоқдалар.

Бизнинг тилагимиз, Хитой раҳбарлари асоссиз даъволарини йиғиштириб қўйиб, унинг ўрнига икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни яхшилаш ва уни мустаҳкамлаш учун ҳаракат қилишлари керак. Биз яхши қўшничилик тарафдоримиз.

Ш. ЭШОНҚУЛОВ,
Гулистон районидаги Фрунзе номли колхоз раиси.

ВАТАНИМИЗНИНГ ҚУДРАТИНИ ОШИРИШ УЧУН

Бизни хитой маъмурларининг Совет—Хитой чегарасидаги бузғунчилиги жуда ғазаблантирди. Хитой маъмурлари навбатдаги бу авантюрани иқиблом қ учун илгари бўлгани сингари қўй подаси ҳайдаган «чорвадорлар»дан фойдаландилар.

Хитой маъмурлари қилган иғвогарлик ҳаракатларининг жиддий оқибатлари ўзларига тушади.

Биз Ватанимизнинг қудратини ошириш учун меҳнат ғалабаларимизни кўпайтираверамиз. Биз нинг бригадамиз бу йил ҳар гектар ердан 40 центнер ҳосил етиштириш учун социалистик мусобақа пешқадамларидан саналади. Ҳозир бригадамиз аъзолари ғўзага тинмай ишлов бермоқда.

Қ. РУСТАМОВА,
Москва районидаги Киров номли колхоз бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

СУРХОНДАРЁ ДИЁРИДА ШОДИЁНА

ТЕРМИЗ. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Шаҳарнинг «Спартак» стадиони одамлар билан лиқ тўлди. Кеч соат 8. Карнай-сурнай садолари янграйди. Бу ерда республикада биринчи бўлиб, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган санъат байрами бўлди. Ҳамма иттифоқдош республикаларнинг давлат байроқларини кўтарган кишилар трибуна олдига келиб саф тортадилар.

«Улуғ Ленинни шарафлаймиз!» шиори остида ўтаётган бу санъат байрамини шаҳар партия комитетининг секретари Ш. Ҳикматов очди. Область партия комитетининг биринчи секретари Н. Муродов республика санъаткорларининг бу ажойиб ташаббуси учун область меҳнаткашлари номидан уларга ташаккур изҳор этди. Шунингдек, санъаткорларни педагогика институтининг студенти Саодат Валиева ҳам табриклади.

Тантанали қисм бошланади. Дастлаб Ленинга бағишланган сюита ва хор юксак маҳорат билан ижро этилди. Сўнгра санъаткорлар стадион ўртасидаги қурилган саҳнада ўз маҳоратларини намойиш қилишди.

Ашула, рақс, ўйин-кулги—меҳнаткашлар шодиёнаси ярим тунгача давом этди. Эртасига санъаткорлар группаларга бўлиниб, областнинг районлари ва қурилишларига жўнаб кетишди.

А. ХАЛИЛОВ.

Мадраим ВАФОЕВ

Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министрининг биринчи ўринбосари Мадраим Вафоев хизмат вазифасини бажараётган вақтда 1969 йил 16 июнда фожиали ҳалок бўлди.

Ўртоқ Вафоев Туркманистон ССР Тошовуз областидаги Ильяли қишлоғида 1931 йилда деҳқон оиласида туғилди.

Ўртоқ Вафоев 1954 йилда Тошкентдаги қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институтини тамомлаб чиқади.

У 1955 йилдан Хоразмдаги гидромелиорация техникумида ўқитувчилик қила бошлади, суғориш шохобчалари область бошқармасида катта инженер бўлиб ишлайди, 1961 йилда эса суғориш шохобчалари Хоразм область бошқармасининг бошлиғи қилиб тайинланади. Ушбу вазифада у истеъдодли ташкилотчи ва раҳбар эканлигини кўрсатди. У 1967 йилда Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министрининг биринчи ўринбосари қилиб тайинланган эди.

Ўртоқ М. Вафоев зийрак ва меҳрибон инсон, иш юзасидан ўзига ва ўртоқларига нисбатан талабчан киши эди.

Ирригация соҳасида қилган катта ишлари учун Ўртоқ М. Вафоевга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ирригатор» фахрий унвони берилган эди.

Ўртоқ М. Вафоев «Ҳурмат Белгиси» ордени ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган.

Ажойиб коммунист Ўртоқ Мадраим Вафоевнинг порлоқ хотираси қалбларимизда узоқ вақт сақланиб қолади.

Мирзаахмад ҚОРАБОЕВ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети сув хўжалиги ва сув хўжалик қурилиши бўлимининг мудири Ўртоқ Мирзаахмад Аҳмадалиевич Қорабоев хизмат вазифасини бажариб турган вақтда 1969 йил 16 июнда фожиали ҳалок бўлди.

Ўртоқ М. А. Қорабоев Наманган областининг Чуст районида 1932 йилда туғилди.

1955 йилда Тошкентдаги қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институтини тамомлаб чиқди. Шу вақтдан бошлаб у Сурхондарё область сув хўжалиги органларида — Жарқўрғон районидаги районлараро каналлар бошқармасининг катта инженери, Жарқўрғон машина-экскаватор станциясининг участка бошлиғи, Жанубий Сурхон сув омбори қурилишининг директори, Шеробод каналининг участка бошлиғи, 1964 йилдан 1967 йилгача Ўзбекистондаги энг йирик сув омборларидан бири — Жанубий Сурхон сув омбори қурилиш-монтаж бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишлайди.

Ўртоқ М. А. Қорабоев барча участкаларда зўр ғайрат билан ишлаб, топширилган иш учун ўзининг бутун куч ва билимини сарф этди. Ўртоқ М. А. Қорабоев 1967 йилда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети сув хўжалиги ва сув хўжалик қурилиши бўлимининг мудири этиб тайинланди.

Ўртоқ М. А. Қорабоев Меҳнат Қизил байроқ ордени ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган.

Ажойиб коммунист Ўртоқ Мирзаахмад Аҳмадалиевич Қорабоевнинг порлоқ хотираси қалбимизда узоқ вақт сақланиб қолади.

Ш. Р. Рашидов, Е. С. Насриддинова, Р. Қ. Курбонов, В. Г. Ломоносов, Н. Г. Анисимкин, Н. Г. Ляшченко, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Р. Н. Нишонов, М. А. Абдураззоқов, С. Р. Расулов, М. Т. Турсунов, А. С. Абдалин, Г. А. Габриельянц, С. К. Зиядуллаев, И. В. Марциняк, М. З. Мирзаахмедов, А. Р. Ҳўжаев, Е. А. Айтмуротов, Д. Е. Ешимбетов, Р. И. Эшчонов, Қ. К. Камолов, Н. М. Муродов, М. У. Умаров, Н. Х. Худойберганов, Т. Г. Зичин, А. И. Тихомиров, И. В. Бабкин, С. М. Мамарасулов, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Р. Ҳамроев, М. Я. Буреш, А. Д. Каприелов, С. И. Мерошенский, В. В. Чернов.

М. ВАФОЕВ ВА М. ҚОРАБОЕВНИ ДАФН ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарор қиладилар:

1. М. Вафоев ва М. А. Қорабоевни дафн этиш учун М. З. Мирзаахмедов (раис), С. Мамарасулов, А. Аъзамов, М. О. Толипов, Г. М. Саркисов, Т. Г. Зинин, Н. Р. Ҳамроев Ўртоқлардан иборат ҳукумат комиссияси тузилсин.

2. М. Вафоев ва М. А. Қорабоевни дафн этиш харажатлари давлат ҳисобига ўтказилсин.

Ҳурмат тахтаси

Давлатга пилла сотиш планини муддатидан илгари бажарганлиги учун республика «ҲУРМАТ ТАХТАСИ»ГА ёзиладилар:

Бухоро райони (район партия комитетининг секретари **А. Давлянц**, район ижроия комитетининг раиси **Ҳ. Эргашев**, район комсомол комитетининг секретари **Ш. Иброҳимов**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **П. Шоев** ўртоқлар).

Тўрткўл райони (район партия комитетининг секретари **Я. Қурбонов**, район ижроия комитетининг раиси **У. Матнепесов**, район комсомол комитетининг секретари **О. Давлатқиличов**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **Ҳ. Исмоилова** ўртоқлар).

Гулистон райони (район партия комитетининг секретари **Б. Пирназаров**, район ижроия комитетининг раиси **Л. Каримов**, район комсомол комитетининг секретари **Н. Шокиров**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **О. Тошматов** ўртоқлар).

Чуст райони (район партия комитетининг секретари **М. Бобохонов**, район ижроия комитетининг раиси **А. Маманжонов**, район комсомол комитетининг секретари **А. Абдуазизов**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **С. Ашуров** ўртоқлар).

Андижон райони (район партия комитетининг секретари **Ш. Еқубов**, район ижроия комитетининг раиси **Ш. Каримов**, район комсомол комитетининг секретари **Ғ. Абдурасулов**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **М. Сатторова** ўртоқлар).

Нарпай райони (район партия комитетининг секретари **Ш. Ҳўжақулов**, район ижроия комитетининг раиси **Т. Насриддинов**, район комсомол комитетининг секретари **Н. Тешаев**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **П. Элмуродов** ўртоқлар).

АНДИЖОН. «Ойим» совхози аъзолари 5200 гектар пахта майдонидан 13 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» етиштириш учун астойдил меҳнат қилаётирлар. Далаларда тракторлар тўла қувват билан ишлаб турибди. Суратда: илғор механизатор Х. Мухторов. Р. Ашуров фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

МАҲСУЛОТ КЎПАЯВЕРАДИ

Сигирнинг сути тилида, дейишади. Тўйганича емиш еган, вақтида суғорилган ва яхши молхоналарда боқилган, кези келганда яйловга ҳайдаб парвариш қилинган сигир сутини сира канда қилмайди. Ҳамма гап касбга меҳр қўйишда, жониворларни меҳр-муҳаббат билан парвариш қилишда қолган.

Колхозимиз фермасида 255 бош жайдари сигир боқилади. Ўтган йили давлатга пландаги 190 тонна ўрнига 214,4 тонна серқаймоқ сут топширдик. Сут сотиш плани 113 процент ado этилди. Моҳир соғувчиларимиз жайдари сигирлардан ҳам пландагидан анча знёд сут соғиб олдилар. Султонхон Комилова 36 бош сигирнинг ҳар биридан пландаги 700 килограмм ўрнига 980 килограммдан, Маърифат Зулфиева 833 килограммдан сут соғиб беришди. Менинг ўзим 28 бош сигирнинг ҳар биридан 1000 килограммдан сут соғиб олдим.

Бундай қараганда шу миқдор жуда оз кўринади. Лекин бизнинг шароитимизда жайдари сигирлардан шунча сут соғиб олиниши яхши кўрсаткич ҳисобланади. Биз ҳар йили ҳам сут соғиш ва давлатга сут сотиш мажбуриятларини ортиғи билан ado этиб келяпмиз.

Бу ютуқларга даставвал чорва моллар учун мустаҳкам озуқа базаси яратилаётганлиги туфайли эришилмоқда. Бу йил қишнинг жуда қаттиқ келганлиги ҳаммага маълум. «Озуқли от ҳоримас», деганларидек, биз қиш учун етарли миқдорда ем-хашак жамғариб қўйган эдик. Чорва моллар қишнинг изғиринли ва бўронли кунларида ҳам озуқасиз қолмади. 1050 тонна дағал хашак, 3350 тонна силос, 200 тонна аралаш озуқа тайёрлаб қўйилган эди. Ҳар бош сигирга бир кунда 20-25 килограммдан силос, 10-15 килограммдан дағал ҳашак, 2,5-3 килограммдан аралаш озуқа бериб боқилди. Ҳозир ҳам шундай қилиняпти. Шу озуқаларга қўшимча кўк ўт ҳам едириляпти.

Чорвадорларимиз бу йил 220 тонна сут етиштиришга сўз беришган. Биз сигир соғувчилар ҳам юксак мажбуриятлар қабул қилиб ишламоқдамиз. Масалан, менинг ўзим бу йил 28 бош сигирдан пландан ташқари 6 минг килограмм сут соғиб беришга аҳд қилдим. Бунинг учун сигирларни авайлаб-асраб парвариш қиляпман. Биз ҳозир ҳам сутнинг миқдорини сира камайтирганимиз йўқ. Сигирларимиз борган сари говмуш бўляпти.

Чорвачилик фермасининг механизациялаштирилаётганлиги юмушларимизни анча осонлаштирмоқда. Чунончи, гўнг молхонадан махсус агрегатда олиб чиқиб кетилади. Сигирхоналар бўйлаб махсус қувурлар ўтказилган ва автопоилкалар қурилган. Сигирлар фақат ана шу автопоилкалардан сув ичишади. Бундан ташқари фермамизда сут соғиш агрегатлари ҳам етарли. Дағал хашак сигирларга фақат агрегатларда майдалаб едирилади. Шундай қилиб, чорвачилик фермасидаги оғир меҳнат талаб қиладиган ишларнинг кўпчилиги механизациялаштирилган.

Бу йил чорвачиликдан 57 минг сўм фойда олишни мўлжаллаб турибмиз. Бунга осонликча эришилмайди, албатта. Фермадаги қолган ишларни ҳам механизациялаш, озуқа базасини тағин ҳам кенгайтириш талаб этилади. Шу мақсадда тағин бир нечта сут соғиш агрегати келтирилади.

10 гектар ерга арпа экилган. Суғориладиган арпанинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштирамиз. Дон учун 5 гектар ерга маккажўхори экилган. Унинг ҳам ҳар гектаридан 30 центнердан дон оламиз. 110 гектар майдонга шоли экилди. Гектар бошига 30 центнердан шоли ва кўп миқдорда поҳол етиштирамиз. 65 гектар майдонга силосбоп экинлар экиб, гектаридан қариб 350 центнердан силос бостиришни кўзда тутганмиз.

Ана шу тадбирларни изчил амалга ошира бориб, фермадаги оғир меҳнат талаб қиладиган ишларнинг кўпроқ механизациялаштирилишига эришамиз ва чорва моллар учун мустаҳкам озуқа базаси вужудга келтирамиз. Биноварин, сут ҳам мўл-кўл бўлади. Давлат планларини муддатидан илгари бажариб, улуғ доҳийимиз В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллигига муносиб ғуҳфа тайёрлаймиз. Бу — ферма коллективининг юрак сўзларидир.

М. ҚОБИЛОВА,
Андижон районидаги Калинин номли колхознинг сигир соғувчиси.

«КОСМОС-286» ПАРВОЗДА

1969 йил 15 июнда Совет Иттифоқидан Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-286» учирилди.

Йўлдош ичига 1962 йил 16 мартда ТАСС эълон қилган программага мувофиқ космик фазони тадқиқ қилишни давом эттиришга мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. (ТАСС).

СПОРТ янгиликлари

ЎЗБЕКИСТОН МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ СПАРТАКИАДАСИ ОЧИЛДИ

Ўзбекистон мактаблари ўқувчиларининг В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигига бағишланган XXI спартакиадаси байроғи кўтарилди. Яшнаб кунги шу спартакиаданинг тантанали очилиши муносабати билан «Пахтакор» марказий стадионида катта спорт байрами бўлиб ўтди.

Бир миллиондан ортиқ мактаб ўқувчилари шу спартакиадада қатнашиш учун ўзаро мусобақалашдилар. Ўтган йилнинг ўзидагина мактаб ўқувчиларидан 14 таси спорт мастери, 77 таси мастерликка кандидат нормаларини топширдилар. 500 ўқувчи биринчи разрядли спортсмен бўлди. Республиканинг барча областларидан, Қорақалпоғистон АССР дан ва Тошкент шаҳридан 2 мингдан кўпроқ ёш спортчилар спартакиаданинг финал мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Шулардан анча кўпи Бутуниттифоқ мусобақасида фахрий ўринларни эгаллади.

Мусобақа спортнинг ўн беш тури бўйича ўтказилади ва 18 июнгача давом этади.

Спартакиаданинг очилиш маросимида спартакиада ташкилот комитетининг Ранси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов ёш спортчиларни табриклаб нутқ сўзлади. Тантанали маросимда республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Турсунов ҳозир бўлди.

(ЎзТАГ).

САҲНАМИЗДА ОПЕРЕТТА УСТАЛАРИ

Мана бир неча кундирки, Тошкентдаги Я. Свердлов номли концерт залида меҳмон санъаткорларнинг томошалари давом этмоқда. Новосибирск оперетта чилари тошкентлик санъат муҳлисларига ўзларининг энг яхши саҳна асарларини, чунончи, И. Кальманнинг «Баядера», «Монмартр гулафшаси», «Марица», «Сильва», И. Штраусниг «Вальс қироли», «Қўршапалак», М. Карминскийнинг «Робин Гуд», Ф. Легарнинг «Кувноқ бева», шунингдек, «Мистер Инс», «Лўлилар баронн», «Қизил рябина» каби ҳаммаси бўлиб ўн учта оперетта спектаклини намойиш этадилар. Мазкур саҳна асарларида театрнинг кўзга кўринган артистларидан РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар — А. Воронцов, Н. Байдина, артистлардан А. Ладиженская, Т. Акулич, Л. Мартинова, О. Башина, Ю. Тарасевич, М. Аджубейская, С. Савич, И. Безуглов, Ю. Циганков, А. Прохоров, ёш талантлардан О. Иванова, М. Шлянова, П. Трунов ва бошқалар иштирок этадилар.

Спектаклларнинг таъсирчанлигини оширишда, воқеалар мазмунини ойдинлаштиришда оркестрнинг роли катта. Моҳир дирижёрлар Я. Кайик ва М. Поляк саҳна воқеаларини чуқур ҳис этган ҳолда оркестрга жуда нозиклик ва ҳушёрлик билан дирижёрлик қилмоқдалар.

Саҳна безанчилари Е. Фомин, И. Рилов ва Т. Венециановлар ҳам ажойиб декорациялар яратишган.

Тошкентлик томошабинлар бу театр спектаклларини биринчи бор кўришга муяссар бўлишди. Театр ижодий коллективи фақат спектакллар кўрсатишгина қолмай, завод, фабрика ҳамда корхоналарда бўлишиб, дўстона ижодий учрашувлар ҳам ўтказадилар. Сўнгги гастроль томошаларини қадимий ва навқирон шаҳар Самарқандда давом эттирадилар.

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

Суратларда (чапдан ўнгга): артист С. Савин «Монмартр гулафшаси» оперетта сида Рауля Делакруа ролида, «Муха-цокотуха» оперетта сида Муха-цокотуха ролида М. Кузнецова, Комар ролида И. Трунов, «Қизил рябина» оперетта сидаги Надька ролида артист М. Шлякова.

Н. Меламед чизган расмлар

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ПЛАНЕТАМИЗДА

КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАРНИНГ ХАЛҚАРО КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА ЧЕТ ЭЛ МАТБУОТИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

ВАРШАВА. (ТАСС). «Трибуна люду» газетаси коммунистик партияларнинг бирлиги империализмга қарши курашда таъсирли қурол бўлиб, ҳар бир партиянинг энг буюк интернационал бурчидир, деб таъкидлайди.

Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг органи қуйидагиларни ёзади: Кенгашда сўзланган кўпгина нутқларда социалистик ҳамдўстликнинг катта роль ўйнаётганлиги ва Совет Иттифоқининг аҳамияти алоҳида уқтириб ўтилади. Улар ҳозирги кунда империалистик агрессия йўлидаги асосий ғов бўлиб, инсониятни империализмнинг атом қуролини ишлатиш хавфидан ҳимоя қилмоқдалар, миллий озодлик ҳаракатларига ёрдам ва мадад бермоқдалар.

«Жичи Варшави» газетаси жаҳон коммунистлари умумий душманга қарши ўз сафларини жипслаштиришлари ва реакция кучларига қарши биргалашиб ҳаракат қилишлари лозим, деб таъкидлайди.

БУДАПЕШТ. (ТАСС). Партия раҳбарлари, деб ёзади «Мадьар немзет» газетаси, ўз нутқларида империализмга қарши кураш проблемалари юзасидан амалий мунозарани давом эттирмоқдалар, ғалабалар ва қийинчиликлар тўғрисида, коммунистик ва ишчи партиялар ининг юксак даражадаги бирлигига эришмоқ учун қандай ишларни қилиш керакли ги тўғрисида гаплашиб олмоқдалар.

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Америка матбуоти коммунистик ва ишчи партияларнинг Москвада ўтказилаётган Кенгашига аввалдагидек ҳозир ҳам катта эътибор бермоқда.

«Дейли уорлд» газетаси Москвадан олинган хабарда кенгашнинг ишини батафсил ёритади. Газета Кенгашнинг «Вьетнамга мустақиллик, озодлик ва тинчлик!» деган даъватига алоҳида эътибор беради. Газета коммунистларнинг халқаро анжуманида «нотиқларнинг деярли ҳаммаси барча проблемаларни гоят объектив суратда таҳлил этмоқдалар» деб уқтириб ўтади.

Америкадаги буржуа газеталари сурбетларча антисовет ва антикоммунистик ҳуруж қилиш йўлига ўтмоқда ва Кенгаш учун характерли бўлган энг муҳим ва энг асосий нарсани америка жамоатчилигидан яширишга уринмоқда.

ЯПОНИЯ. Окинава оролидаги АҚШнинг ҳарбий базаларида хизмат қилувчи ишчилардан 20 минг киши иш ташлади. Улар иш ҳақининг оширилишини талаб қилмоқдалар. Намойишчиларга қарши Америка ҳарбий полициячилари ташланди. Суратда: АҚШнинг Наха шаҳридаги ҳарбий базаси олдида.

АП—ТАСС фотоси.

ЖОРЖ ПОМПИДУ— ФРАНЦИЯ ПРЕЗИДЕНТИ

Франция президентлигига сайлов кампанияси 15 июнда ниҳоясига етди. Шу куни Франциянинг собиқ бош министри Жорж Помпидуни ёқлаб 10.000.000 дан зиёд киши, ёки сайловчиларнинг 57 процента овоз берди. Сайлов натижалари аниқлангач, Жорж Помпиду де Голлнинг ички ва ташқи сиёсатини давом эттиражагини маълум қилди. Шу йилнинг 20 июнида Франциянинг янги президенти Жорж Помпиду Елисей саройида ўз вазифасини бажаришга киришади.

ТУРКИЯНИНГ ҚАРОРИ

АНҚАРА. (ТАСС). Турция ҳукумати Монголия Халқ Республикаси билан элчилар даражасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу тўғридаги хабар Туркиянинг расмий органи «Реслш газете» газетасида босиб чиқарилди.

СОЗ АЙЛАР ЯНА

Келди ёз ҳам айланиб, оламни соз айлар яна,
Олам аҳлин ҳам яшартиб сарфароз айлар яна.
Сабзалар, себарғалар равшан қилур кўзларни деб,
Водиларни яшнатиб, хушхабар ёз айлар яна.
Лолалар, гуллар, чечаклар, бирла оройиш бериб,
Боғу бўстонларни ранго-ранг ниҳоз айлар яна.
Жомасиз урён бўлиб қолган дарахтларни кўринг,
Яшнатиб япроғ ила бир сарвиноз айлар яна,
Нозаннилар сайр этар эгнида атлас товланиб.
Кўрса ишқ аҳлин тағофил бирла ноз айлар яна.
Бордн-келди халқаро тў-ю зиёфат бошланиб,
Меҳрибонлик авж олур, меҳмонпаноз айлар яна,
Эй, Ҳабибий, харна бўлса ерда бўлгай жилвагар,
Қўзғалур элда муҳаббат, ишқибоз айлар яна,

ҲАБИБИЙ.

ПАРВОНАНГ БЎЛАЙ

ҚУШИҚ

Маҳринг қуёши, жонон, солди оламга гавго,
Тушиб миқолли бошга, этди асири шайдо.

Малоҳат гулшанининг латофати — оразинг,
Бошингда мен чарх уриб, қилай ҳусининг тамошо.

Зулфинг бўлиб пинҳона ношинг ила ҳамхона,
Кўрсатмас харидорга чеҳранги, бу не савдо?

Ҳар гулда ўзга анбар, ўзгача ноз-назокат,
Лекин менга руҳсоринг, ҳаммаҳ гуллардан аъло.

Кўкка боқиб сўрайман юлдузлардан саҳарлар:
Ой туғдими, самода янги ой бўлди пайдо?

Кўз қирида бир нигоҳ ташлаб очсанг юзингни,
Айланади Маъруфинг, парвона бўлиб танҳо.

Маъруф НАЗАРОВ.

ХАЛҚАРО ТЕМАДА

ЙЎҚОЛГАН МАМЛАКАТ

Яқинда Африкадаги уч давлат пойтахти Киншаса (Конго), Лусака (Замбия) ва Доруссалом (Танзания)да Бирлашган Миллатлар Ташкилоти комитетининг мустамлакачиликни тугатиш бўйича Жанубий-Ғарбий Африка юзасидан кўчма сессиясининг мажлислари ўз ишини тугатди. Бу масала турли хил комитетлар ва кичик комитетларда бир неча бор кўриб чиқилди. Жанубий-Ғарбий Африкага нисбатан бу қадар катта эътибор берилаётганлигининг боиси нимада?

Масалани ойдинлаштириш учун бир оз тарихга мурожаат қиламиз. 1920 йилда Германия биринчи жаҳон урушида енгилгандан сўнг, унинг мустамлакаси бўлган Жанубий-Ғарбий Африкани тасарруф қилиш ваколатини Британия доминиони бўлган Жанубий Африка иттифоқи ўз қўлига олди. Жанубий Африка Иттифоқи ўша пайтда ўз устига бу ердаги аҳолининг фаровонлигини ҳар. томонлама ошириш учун зарур шароитлар яратиб бериш юзасидан мажбуриятлар олган эди. Мамлакатга мустақиллик бериш юзасидан ҳатто комитет ҳам тузилган эди. Бироқ, кейинчалик берилган ваъдалар бутунлай унутилиб кетди.

Яқинда ирқчилар Намибияни (Жанубий—Ғарбий Африкани туб аҳолиси ўз мамлакатларини ана шу ном билан аташади) Жанубий Африка Республикасининг бешинчи область деб эълон қилишди. Бу ерда ирқчилар маконидаги ҳамма қонун ва қондалар кенг жорий этиладиган бўлди. Бундан норози бўлган мингларча кишилар Замбияга қочиб ўтдилар, мамлакатнинг асл фарзандлари эса, қўлларига қурол олиб мустамлакачилик зулмига қарши курашга отландилар. Ватанпарварларнинг бу курашига Жанубий Ғарбий Африка Халқ Ташкилоти раҳбарлик қила бошлади.

Тинчликсевар жамоатчилик Намибиянинг миллий озодлик кучлари томонида туриб, унинг талабларини қўллаб-қувватлади. 1967 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси резолюция қабул қилиб, бунда ирқчи Жанубий Африка Республикаси ҳукуматининг хоинона сиёсатини қоралади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Жанубий-Ғарбий Африкани бошқариш тўғрисидаги унинг ваколатидан маҳрум этилганлигини эълон қилди.

Лекин Жанубий Африка Республикасининг ирқчилари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорларини оёқ остига қилиб, ерли халққа қарши кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган зулм қила бошлади, макр-ҳийла ишлатишни давом эттираверди.

Ўтган йилнинг октябрь ойида мамлакат ватанпарварларининг Жанубий Африка Республикасининг ҳарбий базаларидан бирига қилган ҳужуми учун ўч олиш мақсадида ирқчилар шу атрофдаги бир неча қишлоқларни ёндириб, кулини кўкка совурдилар. Бунда 200 дан ортиқ африкалик ўлдирилди ва жазолаш учун Жанубий Африка Республикасига олиб кетилди.

Форстер режими халқаро қонунларни нега бунчалик юзсизлик билан оёқ остига қилиб келмоқда ва нега бунчалик жаҳондаги соф виждонли кишиларнинг газабини қўзғатмоқда? Бунинг сабаби ҳаммадан аввал уни империалистик давлатлар, биринчи галда АҚШ, Англия ва ГФР қўллаб-қувватлаётганлиги. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти комитетининг Лусакада бўлиб ўтган мажлисида Жанубий-Ғарбий Африка Халқ Ташкилотининг ахборот масалалари бўйича секретари Гароеб шундай деди: «АҚШ, Англия, Италия, Бельгия Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан Намибияни ҳимоя қилишда таъсирли чоралар кўрилишини талаб қилган Африка-Осиё мамлакатларининг хоҳишларини ҳар доим барбод этиб келмоқда. Мамлакатнинг Африка аҳолисига қарши фитнада эндиликда ГФР ҳам шериклик қилмоқда, чунки у ҳам бошқа Ғарб давлатлари билан биргаликда Намибияда ўз капитал жамғармаларини сақлаб қолиш учун интилмоқда». Намибияда Ғарб давлатларининг капитал жамғармалари анчагина бор. Мамлакатда йирик Англия-Америка картели «Консолидейтед даймонд майнз оф Саут Африка» тўла ҳукмронлик қилади. Бу картель Намибиядаги олмос ва олтин конларини назорат қилиб турибди. Ванадий, кўрғошин, рух ва вольфрам конлари эса инглиз компанияси «Саут Уэст Африка компани» тасарруфидадир. «Цумеб» деб аталган Америка компанияси эса, рух қазиб чиқаришда энг йирик компания ҳисобланиб, ҳар йили бундан 5 миллион фунт стерлинг фойда олмоқда. Ғарбий Германия ҳам бу ерга кўчиб келган немисларга таяниб фойда ундиришдаги ўз мавқеини мустаҳкамлаб олмоқда.

Комитет сессиясида СССР вакили П. Ф. Шахов нутқ сўзлаб, шуни таъкидладики, Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ҳам, шунингдек, ундан ташқарида ҳам Жанубий Африка Республикаси режимини ҳар томонлама қўллаб-қувватловчи империалистик ва мустамлакачилик кучлари қаттиқ тазйиқ кўрсатиб турибди. Бу эса Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Намибияни ирқчилар ҳукмронлигидан озод қилишга қаратилган таъсирли бирор чора кўришига жон-жаҳди билан халақит бериб келмоқда.

Яқинда Намибия озодлик ҳаракатининг таниқли арбоби Сэм Нуйома журналистлар билан ўтказган суҳбатида шундай деди: «Биз ватанимизнинг мустақиллиги учун курашда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётганлигини беқиёс қадрлаймиз. Лекин афсуски, унинг ҳаққоний қарорлари қоғозда қолиб кетмоқда. Жанубий Африка Республикасининг ирқчилари куч ва тазйиқ кўрсатиб, сурбетлик билан бу қарорларни менсимай келмоқда. Шунинг учун ҳам биз фақат қўлга қурол олиб курашганимиздагина ирқчилар устидан ғалаба қила олишимизни яхши тушуниб олдик».

Намибияда ўз миллий ва ижтимоий ҳуқуқлари учун курашаётган эрксевар халқнинг озодлик ҳаракати тобора кенгайиб бормоқда.

А. ТКАЧЕНКО, (АПН).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25—Қўшиқлар, 9.30—С. Хайитбоев. Халқ чолғу асбоблари оркестри учун сюита, 10.30 — СССР халқ артисти Георг Отс куйлайди, 11.15 — «Институт ва лабораторияларда», 11 30 — «Фарҳод ва Ширин» (драмадан парчалар), 13.30 — Эстрада куйлари ва қўшиқлари (русча), 15.15 — «Замондошларимиз» (русча), 15.30 — Х. Назир. «Она» (радиоинсценировка), 16.10—С. Прокофьев, «Бешинчи симфония», 16.50—«Правда» газетасининг обзори, 18.00 — «Янги устав лойиҳаси колхозчилар муҳокамасида» (русча), 18.15 —«Актуал проблемалар» (Москва), 18.40 — Спорт, 19.20 — Концерт, 20.00 — «Ёшлик» программаси, 20.40 — Ёшлар учун концерт, 21.00 — Халқаро темаларда суҳбат, 21.10 — Концерт 22.20—Лирик куйлар, 22.40—А. Қаҳҳор. «Миллг бир жон», 23.15—Концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан—Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.30 — Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 18.35 — «Алибобо ва қирқ қароқчи» (қўғирчоқ фильм), 19.05 — Телеянгиликлар, 19.20 — Нодир касб эгалари.

Ўзбек тилида: 19.45 — Телеянгиликлар, 20.00 — А. Навоий номидаги Давлат Академик опера ва балет театрининг 30 йиллиги олдидан. Ф. ШАМСИДДИНОВ ижодий портрети. 21.00 — Тезда баҳор келади (бадиий фильм, рус тилида), 22.25 — Новеллалар телетеатри. В. Прабҳакар. «Инсон тақдири», «Уйғониш».

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.55 дан—Москва кўрсатади

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — Телескоп операцияси (телефильм), 20.15 — Симфоник оркестр чолғу асбоблари. Флейта.

Рус тилида: 20.55 — Бизнинг иш йўл қуриш (ҳужжатли фильм), 21.15 — И. С. Тургенев Текин томоқ (бадиий фильм).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—18/VI да Парвона, 19/VI да Алжонларим, 20/VI Мудҳиш айёмна.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Учрашув манзили — ЖЕНЕВА—САНҲАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (кундуз соат 12, 2.30 ва кеч 7.20 минутда).

Таниш-билишларимиз — «ВОСТОК», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Катталар ўйини — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 2, кеч 8 ва 9.45 минутда), «МОСКВА» (эрталаб 10, кундуз 5, кеч 9.20 минутда).

Даниялар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Рошфорлик қизлар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12,4, кеч 6 да).

ЕЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10.40 минутларда бошланади)

Рошфорлик қизлар—ТЕЛЬМАН номли.

Учрашув манзили — Женева — «ФЕСТИВАЛЬ».

Таниш-билишларимиз—«ХИВА».

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИНИНГ ФАБРИКА-ЗАВОД ШОГИРДЛИГИ МАКТАБИ

қуйидаги қунарларга ўргатиш учун 15 дан 20 ёшгача бўлган 7-11 синф ҳажмида маълумотли қизларни ўзбек ва рус группаларига

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

тўқувчи, йигирувчи, созловчи, ўровчи ва калаваловчи.

Ўқиш муддати 12 ойдан 15 ойгача.

Мактабга қабул қилинганлар бепул овқат, кийим-бош, ётоқхона билан таъминланадилар. Мактабни тамомлаган қизлар кечки мактабда, тўқимачилик техникумида; тўқимачилик комбинати территориясида жойлашган, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда тўқимачилик институтида ўқишлари мумкин.

Кириш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: паспорт, маълумоти ҳақида гувоҳнома, турар жойидан справка, характеристика, тўртта фотосурат (3х4).

Мурожаат учун адрес: Тошкент-100. Стаханановская кўчаси, 46-уй (7, 9, 14, 15 трамвайлар, 2, 6 троллейбуслар, 6, 16, 23 автобусларнинг «Сергородок» бекати). Телефон № 5-93-75.

ФАРҒОНА МАШИНА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТЕХНИКУМИ

1969-70 ўқув йилига кундузги ва сиртқи бўлимларга қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Машиний хизмат электр аппаратураси, химиявий тозалаш ва кийимларни бўяш, тикувчилик ишлаб чиқариши, бухгалтерия ҳисоби, машиний хизмат кўрсатиш корхоналарида планлаштириш, телевизион техника ва радио линиялари алоқаси.

Рус тили ва математикадан кириш имтиҳонлари — 1 августдан 20 августгача ўтказилади.

Аризалар — 1 июндан кундузги бўлимларга қабул қилинади.

Кечки ҳужжатлар билан барча область машиний хизмат кўрсатиш бошқармасининг йўлланмалари ҳам қўшиб топширилади.

Мурожаат учун адрес: Фарғона область, Аввал қишлоғи.

АНГРЕН 3-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1969-70 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

контроль-ўлчов асбоблари ва автоматика слесарь-монтажчи, электр-газ пайвандчилар, 3 класс парма уста—шофёрлари, экскаваторлар машинистлари, механизмлар ва шахта машиналари машинистлари, кон қазилмалари проходчиклари.

Билим юртига 8—11 синф ҳажмида маълумоти бор, 16 ярим ёшдан—25 ёшгача бўлганлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1 йилдан 2 йилгача.

Бошқа жойдан келганларга ётоқхона берилади.

Билим юртига кириш имтиҳонсиз қабул қилинади.

Яхши ўзлаштирувчиларга ойига 36 сўм стипендия тўланади.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Ангрен шаҳар, Жданов кўчаси, 40 уй, телефон 1-29.

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, «Ўзглавводстрой» коллегиялари, «Ўзгипроводхоз», «Средазгипровод хлопок» ва «САНИИРИ» институтларининг коллективлари Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг сув хўжалиги ва сув хўжалиги қурилиши бўлимининг мудири

Мирзаахмад ҚОРАБОЕВнинг,

Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министрининг биринчи ўринбосари

Мадраим ВАФОЕВнинг,

«Қаракалпакводстрой» трестининг бош инженери

Шамшет ЖАМЕТОВнинг

хизмат бурчини адо этаётганларида фожиали ҳалок бўлганларини чуқур қайғу билан маълум қилади ва марҳумларнинг оилаларига таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ишлар мудирлиги, партия ташкилоти ва маҳаллий комитети Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ишлар мудирлигининг сув хўжалиги ва сув хўжалиги қурилиши бўлимининг мудири

Мирзаахмад Аҳмадалиевич ҚОРАБОЕВнинг

хизмат бурчини адо этаётганда фожиали ҳалок бўлганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади ва марҳумнинг оиласига, қариндошларига ҳамда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ишлар мудирлиги коллективига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги коллегияси Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министрининг биринчи ўринбосари

Мадраим ВАФОЕВнинг

хизмат бурчини адо этаётганда фожиали ҳалок бўлганлигини маълум қилади ва марҳумнинг оиласига, қариндошларига ҳамда Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги коллективига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги коллегияси Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар мудирлигининг бўлим мудири

Мирзаахмад Аҳмадалиевич ҚОРАБОЕВнинг

хизмат бурчини адо этаётганда фожиали ҳалок бўлганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади ва марҳумнинг оиласига, қариндошларига ҳамда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ишлар мудирлиги коллективига таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — 336543, Редактор ўринбосарлари — 337914, 339323. Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283, Партия турмуши — 333469, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331216. Халқаро ҳаёт — 337674. Коммунистик тарбия — 331455. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 337221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347, Оммавий ишлар ва хатлар — 338679, 333553. Илюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 48—85, Бухоро 43—141, Қарши 22—82, Наманган 21—88, Нукус 42—62, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55.

№ Б. — 140. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Р. 01469.